ISSN 2181-8622

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ

***

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ НАМАНГАНСКОГО ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА

***

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL OF NAMANGAN INSTITUTE OF ENGINEERING AND TECHNOLOGY



Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2019 йилда техника фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Муассис:
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Таҳририят манзили:
160115, Наманган шаҳар, Косонсой кўча, 7-уй. Тел: 69-228-76-68

“Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнали” Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот Агентлигининг *12.10.2015 йилдаги 08-0072* рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади.

ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ, ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ПЕРВИЧНАЯ ОБРАБОТКА ХЛОПКА, ТЕКСТИЛЬНАЯ И ЛЕГКАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

ПАХТА ТОЛАСИ ТАРКИБИДАГИ КАЛТА ТОЛАЛАР ФОИЗИНИ КАМАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАР ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.

Х.Т.Ахмедходжаев, А.А.Обидов, Р.К.Абдуллаев, М.И.Охунжонова
Наманган муҳандислик-технология институти

Илмий-тадқиқотларни олиб борилишидан асосий мақсад; С 65-24, С 82-86, Порлоқ-2, Наманган-77, Наманган-34 ва Андижон-35 селекция навли пахта толаларини таркибидаги калта толалар (SFI-Short Fiber Index) фоизини толаларни табиий ҳолатидаги, аррали жиндан ва янги яратилаётган пневмомеханик жиндан кейинги фоизини аниқлаб таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқот ишлари “SIFAT” пахта толаларини сертификатлаш Наманган худудий марказида олиб борилди. Калта толалар фоизини камайтириш йўналишида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда солиштирма жадвал ва графиклар ифодаланади.

Таянч сўзлар: *илмий-тадқиқот, нав, пахта, тола, калта тола, HVI тизими, жадвал, график, табиий сифат, аррали жин, пневмомеханик жин, селекция нав, сифат.*

Основная цель проведения научных исследований состоит в определении и анализе процента коротких волокон в исходном сырье, после пильного джинирования, а также после предлагоемого пневмомеханического джина сидуюших селекционных сортов хлопготника: С 65-24, С 82-86, Порлоқ-2, Наманган-77, Наманган-34 и Андижан-35. Опыты были проведены в Наманганском центре сертификации хлопка “SIFAT”.

Ключевые слова: *научные исследования, селекционный сорт, исходное сырье, хлопок сырье, волокно, короткое волокна, пильный джин, пневмомеханический джин, система HVI, качество, сорт.*

The main purpose of the research is to determine and analyze the percentage in the natural state in breeding varieties: C 65-24, C 82-86, Porlok-2, Namangan-77, Namangan-34 and Andijan-35. The percentage of short fibers taken after the saw gin and after the newly invented pneumatic gin. Research work was carried out in Namangan cotton certification center “SIFAT”. Conducted research projects aimed at reducing short fibers (SFI-Short Fiber Index) as well as the table and graphs are presented.

Key words: *scientific research, variety, raw cotton, fiber, short fibers, HVI system, table, graph, natural quality, dusty gin, pneumomechanical gin, selection variety, quality.*

Маълумки, пахтанинг селекция навлари бўйича чигитнинг атрофидаги пишиб етилган толаларни классификациясида толалар; узун тола, ўрта ва калта толаларга бўлинади. Айнан мана шу толаларни узунлиги бўйича калта толаларни фоизи тўқимачилик саноатини иқтисодиётига ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатиб келмоқда. Калта тола деганда, ISO-9001 халқаро стандарт бўйича 0.5 дюймдан (12.7 мм дан) ўлчами калта бўлган толалар тушунилади. Халқаро стандартда бундай калта толалар, калта толаси индекси, яъни Short Fiber Index (SFI) , деб аталиб, фоиз ҳисобида ифодаланади. Калта толаларнинг узунлиги қисқа бўлгани сабабли, жами толалардан калава ип йигирилиши жараёнида калта толалар таранди сифатида технология ускунасидан чиқиб кетади ва йигирувда қатнашмайди. Мулоҳаза қилинадиган бўлса, толалар таркибидаги калта толалар (SFI) фоизи қанча кам бўлса, тўқимачилик саноатига шунча яхши ҳисобланади.

Пишиб етилган пахта чигитининг атрофидаги калта толалар фоизини, пахтадан селекция навлари бўйича фоизини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди. Бунинг учун Республикамизда етиштирилаётган С 65-24, С 82-86, Порлоқ-2, Наманган-77, Наманган-34 ва Андижон-35 селекция навли пахта намуналари танланди. Асосий мақсад, ушбу селекция навли пахталарда табиатан мавжуд бўлган калта толалар фоизини аниқлаш ва ушбу пахталар қайта ишланиб, аррали жиндан сўнги ҳамда янги яратилаётган пневмомеханик жиндан сўнги калта толаларни фоизини ўзгаришини таҳлил қилишдан иборат. Энг аввалам бор юқорида қайд қилинган 6 ҳил селекция навли пахталардан 400 граммдан намуналар ажратиб олиниб, чигитдан толалари қўлда ажратиб олинди. Ҳар бир намунадан ўрта ҳисобда 140 граммдан толалардан 6 ҳил табиий намунаси тайёр бўлди.

Ушбу табиий толалар кўринишидаги намуналарни “SIFAT” пахта махсулотларини сертификатлаш Наманган худудий марказидаги HVI 900-SA лаборатория тизимида сифат кўрсаткичлари аниқланди.

1-жадвал

Селекция навлари бўйича пахта толаларининг табиий сифатидаги калта толалар (SFI) фоизи қуйидагича бўлмоқда.

Толанинг селекция навлари	Калта толаларни (SFI) табиий сифат ҳолати бўйича фоизи		
	1-тадқиқот	2- тадқиқот	3- тадқиқот
С 65-24	2.3	2.5	2.4
Андижон-35	3.0	3.2	3.0
Порлоқ-2	2.7	2.6	2.5
Наманган-34	3.5	3.3	3.6
Наманган-77	2.8	2.6	2.5
С 82-86	4.6	4.4	4.3

1-Жадвалдаги калта толаларни индекс фоизини, яъни SFI (Short Fiber Index) ни HVI 900-SA (High Volume Instruments) лабораториядаги фоизларини таҳлил қилинадиган бўлса, С 65-24, Порлоқ-2 ва Наманган-77 селекция навли пахта толаларининг табиий сифатидаги калта толалар ўрта ҳисобда 2.4, 2.6 ва 2.7 фоизда бўлиб, бу жуда юқори ва ижобий кўрсаткич ҳисобланади. Андижон-35, Наманган-34 ва С 82-86 селекция навли пахта толаларининг табиий сифатидаги калта толалар эса нисбатан кўпроқ фоизни, яъни 3.0, 3.3 ва 4.4 фоизни бермоқда, бу сифат кўрсаткичлар хам нисбатан яхши хисобланади.

“SIFAT” пахта махсулотларини сертификатлаш Наманган худудий маркази билан Наманган мухандислик технология институти ўртасида мустахкам илмий –амалий ишларни бажарилиши бўйича алоқалар ўрнатилган бўлиб, ушбу интеграция ҳамкорлик ўз самарасини бера бошлади. Айниқса пахта толасини таркибидаги калта толаларни камайтириш йўналишида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни бажарилишида “SIFAT” сертификатлаш марказидаги HVI 900-SA замонавий лаборатория тизимидан унумли фойдаланиши инновацион илмий-техник ишларга ас қотмоқда.

Юқоридаги 6 ҳил селекция пахта толасини толаларнинг табиий сифат кўрсаткичидаги табиий мавжуд бўлган калта толалари фоизини аниқлаб бўлингандан сўнг, айнан мана шу селекция навидаги толаларни бугунги кундаги пахта тозалаш корхоналарида ишлаб турган аррали жин машинасидан кейинги холатида калта толалар фоизини HVI 900-SA лаборатория тизимидаги холати аниқланди.

2-жадвал

Селекция навлар бўйича пахта толаларининг аррали жиндан кейинги калта толалар (SFI) фоизи

Толанинг селекция навлари	**Аррали жиндан сўнг толалар таркибидаги калта толалар (SFI) фоизи**		
	1-тадқиқот	**2- тадқиқот**	**3- тадқиқот**
С 65-24	5.2	5.6	5.4
Андижон-35	5.4	5.2	5.6
Порлоқ-2	7.7	7.7	7.3
Наманган-34	7.2	7.7	5.6
Наманган-77	5.5	5.8	5.6
С 82-86	6.8	7.7	7.6

2-жадвалдаги кўрсаткичларда пахта толаларининг селекция навлари бўйича аррали жиндан кейин толалар таркибидаги калта толаларни ўрта ҳисобда 5.2 фоиздан 7.7 фоизгача бўлаётгани кузатилди.

Ушбу кўрсаткич толаларнинг табиий ҳолати бўйича олинган калта толалар фоизидан ўртача 3.3 фоизга кўп бўлишини кўрсатмоқда. Бу ҳолат бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлардан хулоса чиқариб айта оламизки, аррали жин машинасининг хом ашё (пахта) камерасида толалар таркибидаги калта толалар фоизи ўрта ҳисобда 3.3 фоизга кўпайиб кетмоқда.

Калта толаларни кўпайиб кетиши энг аввалам бор пахта толасидан калава ип йигириш корхонасида яққол билиниб, бу калта толалар калава ип йигириш жараёнигача етиб бормай чиқинди сифатида ажралиб тароқ машинасидан чиқиб кетади. Бугунги кунда пахта саноатининг энг долзарб вазифаларидан бири толалар таркибидаги калта толалар фоизини камайтиришдан иборат.

Ушбу вазифани ижобий ҳал этиш мақсадида, кейинги йилларда пневмомеханик жин машинасини яратиш устида жиддий ишлар олиб борилмоқда. 2018 йилда ушбу янги пневмомеханик жин машинасининг бир секцияли кичик экспериментал қурилмасини тайёрланиб, пахта янги усулда жинлана бошланди. Бугунги кунларда янги жинннинг уч секцияли кўриниши тайёрланмоқда. Бир секцияли қурилмадаги жинланишда ҳам юқорида қайт этилган 6 ҳил селекция навидаги пахталар олиниб, янги жинда илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди.

3-жадвал

Селекция навлар бўйича пахта толаларининг пневмомеханик жиннинг экспериментал қурилмасидан кейинги калта толалар (SFI) фоизи

Толаларнинг селекция навлари	Экспериментал пневмомеханик жиндан сўнг толалар таркибидаги калта толалар (SFI) фоизи		
	1-тадқиқот	2- тадқиқот	3- тадқиқот
С 65-24	3.8	3.6	3.7
Андижон-35	3.4	3.5	3.2
Порлоқ-2	5.2	4.8	5.0
Наманган-34	3.8	3.6	3.9
Наманган-77	3.6	3.3	3.5
С 82-86	5.4	5.2	5.4


3-жадвал бўйича янги пневмомеханик жиннинг экспериментал қурилмасидан сўнг толалар таркибидаги калта толалар 3.2 дан 5.4 фоизгача оралиғда бўлиб, ўртача кўрсаткич эса 4.1 фоизни ташкил қилмоқда. Ушбу кўрсаткичлар толаларнинг табиий ҳолатидаги калта толалар фоизидан 2.3 фоизга кам бўлади.

4-жадвал

Толалар таркибидаги калта толаларнинг, толанинг табиий ҳолатидаги, толанинг аррали жиндан кейинги ва янги пневмомеханик жиннинг экспериментал қурилмасидан кейинги калта толалар ўртача фоизининг солиштирма кўрсаткичлари

Толаларнинг селекция навлари (I–нав, олий ва яхши синф).	Пахта толалар таркибидаги калта толалар фоизи								
	Толаларнинг табиий ҳолатидаги калта толалари фоизи.			Толаларнинг аррали жиндан кейинги калта толалари фоизи.			Толаларнинг янги пневмомеханик жиннинг экспериментал қурилмасидан кейинги калта толалари фоизи		
	тадқиқотлар			тадқиқотлар			тадқиқотлар		
	1	2	3	1	2	3	1	2	3
С 65-24	2.3	2.5	2.4	5.2	5.6	5.4	3.8	3.6	3.7
Андижон-35	3.0	3.2	3.0	5.4	5.2	5.6	3.4	3.5	3.2
Порлоқ-2	2.7	2.6	2.5	7.7	7.7	7.3	5.2	4.8	5.0
Наманган-34	3.5	3.3	3.6	7.2	7.7	5.6	3.8	3.6	3.9
Наманган-77	2.8	2.6	2.5	5.5	5.8	5.6	3.6	3.3	3.5
С 82-86	4.6	4.4	4.3	6.8	7.7	7.6	5.4	5.2	5.4
Ўртача кўрсаткич	3.1 %			6.4 %			4.1 %		

4-жадвал бўйича толалар таркибидаги калта толалар фоизини берилаётган 9 та лаборатория синови бўйича чуқур таҳлил қилиш мумкин. Фақатгина толалар таркибидаги калта толаларнинг фоизи асосида селекция навлари бўйича рейтинг ўрнини белгилайдиган бўлсак: биринчи ўринда С-65-24 селекция навли толаси, унинг ўртача калта толалари 3.8 фоиз, иккинчи ўринда Наманган -77 селекция нави,унинг ўртача калта толалари 3.9 фоиз, учинчи ўринда Порлоқ-2 селекция навли толаси, унинг ўртача калта толалари 5.0 фоизни бермоқда. Толаларнинг саноат нави пасайиши билан уларнинг таркибидаги калта толалар фоизи кўпайиб бориши кузатилди. Калта толалар фоизи 2.0 фоиздан 20 фоизгача бўлиши ҳам амалиётда кузатилган.



1-расм. ***Толалар таркибидаги калта толаларнинг (SFI) аррали жиндан кейинги ҳолатининг, пневмомеханик жиннинг экспериментал қурилмасидан кейинги ҳолатининг ва толаларнинг табиий сифатидаги ҳолатининг ўзгариши.***

1-расмда калта толалар фоизини ўзгариши ифодасини кўриб, мавжуд аррали жин машинасининг аррали цилиндри пахта толалари таркибидаги калта толаларни кўпайтиришга сабаб бўлмоқда. Янги яратилаётган пневмомеханик жин машинасининг эксперементал қурилмасида пахта жинланганда толанинг табиий сифатига 1.0 фоиз атрофида механик шикастланиш келтирилишини ҳам кузатиш мумкин. Аррали жин машинаси эса толаларнинг табиий сифатига 3.4 фоиз зарар етказаётганини, яъни калта, йигирувга яроқсиз толаларни кўпайтириши аниқланди. Калта толаларни кўпайиб кетиши пахта тозалаш корхонасига иқтисодий зарар етказмаслиги мумкин, лекин ушбу калта толалар калава ип йигириш корхоналарининг иқтисодий кўрсатгичига сезиларли зарар етказади.

Аррали жиндан арра тишларининг чигит тароғи атрофида чигитли пахтага таъсир этиш схемаси, яъни Г.И.Болдинский схемасини янада жиддий кўриб чиқилиши зарур бўлмоқда. Сабаби айнан арра тишларининг толалаларини илиб олиш жараёнида калта толалар вужудга келади.

$$\frac{md^2y}{dt^2} = -CV^2 cos\vartheta - \frac{mv^2}{R} sin\varphi - N - m\varepsilon_k$$

Пахта толаси таркибидаги калта толалар фоизини камайтириш борасидаги олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларнинг ўзагини янги пневмомеханик жин машинасини яратиш бўлмоқда. Бу жин машинаси аррали ва валикли жинлардан тубдан фарқ қилиб, унда арра, колосник, прокладка каби ишчи элементлар мавжуд эмас. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида энг аввалобор 6 та селекция навидаги пахта толаларини сифат кўрсаткичини аниқланди. HVI 900-SA лаборатория тизимидаги олинган натижалар эса аррали жиндан кейинги толалар сифати билан таққослашга қулайлик яратди. Барча илмий-тадқиқотларни олиб борилиши толалар сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Калта толаларни имкон қадар камайтириш эса энг долзарб устувор вазифа бўлмоқда.

Хулоса

1. Пахта толалари таркибидаги йигирувга яроқсиз калта толаларни мавжуд аррали жинда 3.4 фоиз кўпайиши сабабларини ўрганиш бўлади. Калта толаларни кўпайиши тўқимачилик кластери комплексларидан тайёр текстиль махсулотлари чиқишини камайтириб, иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади.

2.Пахта тозалаш корхоналаридаги мухандис-техник ходимлар калта толаларни имкон қадар камайтириш бўйича чора-тадбирларни олиб боришлари керак бўлади.

3.Республикада экилаётган барча пахталарнинг толалари таркибидаги калта толалар фоизини ўрганиб чиқиш зарур бўлади.

4. Калта толаларни камайтириш йўналишида яратилаётган пневмомеханик жиннинг катта ишлаб чиқиш нусхасини тезлатиб, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” даврида янги жинни жорий этиш долзарб вазифа бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ғ.Ж.Жабборов, Т.У.Отаметов, А.Х.Ҳамидов. Чигитли пахтани ишлаш технологияси. Тошкент “Ўқитувчи” 114-150 бет.

2. Ўзбекский центр сертификации хлопкового волокно “SIFAT” Методическое пособие. Тошкент-2001 г. Стр.1-24.

СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ФИЗИКО-МЕХАНИЧЕСКИХ И ПРЯДИЛЬНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА СЕЛЕКЦИОННЫХ СОРТОВ БУХАРА 102 И АНДИЖАН 36

Ш.Р.Арипова[1], С.Л.Матисмаилов[1], Ш.А.Корабаев[2], Ш.Н.Муминова[1], С.Д.Муминов[2]
Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности[1]
Наманганский инженерно-технологический институт[2]

Maqolada yangi «Andijan 36» va «Bixoro 102» paxta selektsya navlarining fizik-mehanik va tehnologik xossa ko'rsatkichlarini qiyosiy baholash natijalari tahlil etilgan. Olingan natijalarga ko'ra sinalayotgan selektsiya navlaridan «Bixoro 102» selektsya navinig sifat korsatkichlari «Andijan 36» navining sifat korsatkichlaridan yahshi ekanligi aniqlangan.

Калит сўзлар: *дискрет барабан, пневмомеханик йигириш, тола, сифат, текс, узилиш кучи, ип, чизиқий зичлик, вариация коэффициенти, ажратиш, узилиш, микронейр, ўртача узунлик, штапел узунлик, узилиш кучидаги узайиш, узунликдаги бир хиллик индекси, нур қайтариш коэффицинти, сариқлик даражаси, улишдан кейинги узайиши, калта толалар индекси, йигиришга яроқлилик индекси.*

В статье приводятся результаты сравнительной оценки физико-механических и прядильно технологических свойств хлопкового волокна селекционных сортов «Бухоро102» и «Андижан 36». В результате полученных данных можно сделать вывод что, селекционный сорт Бухара 102 по совокупности свойств обладает лучшими прядильными способностями, чем сорт Андижан 36

Ключевые слова*: дискретизирующий барабан, пневмопрядильная, волокна, качество, текс, разрывная нагрузка, пряжа, линейной плотность, коэффициента вариации, обрывность, разъединение, микронейр, верхняя средняя длина, штапельная длина, удельная разрывная нагрузка, индекс равномерности по длине, коэффициент отражения, степень желтизны, удлинение при разрыве, индекс коротких волокон, индекс пригодности к прядению.*

The article presents the results of a comparative assessment of the physicomechanical and spinning technological properties of cotton fiber of the selection varieties “Bixoro 102” and “Andijan 36”. As a result of the data obtained, it can be concluded that the selection variety, Bukhara 102, by its combination of properties, has better spinning abilities than the Andijan variety 36

Keywords: *sampling drum, pneumatic spinning, fiber, quality, tex, breaking load, yarn, linear density, coefficient of variation, breakage, separation, microneir, upper average length, staple length, specific tensile strength, uniformity along the length of the index, reflection coefficient, yellowness, elongation at break, index of short fibers, suitability index for spinning.*

Сегодня Узбекистан является одним из важнейших экспортеров хлопка мира. Эксперты МККХ (Международный консультативный комитет по хлопку) подчеркивают, что цена на узбекский хлопок на мировых рынках растет по мере повышения качества волокна. Удержание конкурентоспособности хлопкового волокна на мировом рынке является одной из важнейших задач для Республики [1].

Хлопковое волокно было и остается важнейшим сырьем для текстильной и трикотажной промышленностей, так как потребители по прежнему отдают предпочтение товарам из натурального сырья.

Качество текстильных изделий в большой степени зависит от равномерности, чистоты и прочности пряжи, качество которой напрямую зависит от свойств хлопкового

волокна, из которого она вырабатывается, что подтверждается многочисленными исследованиями.

Исходя из вышеуказанного было проведена сравнительная оценка физико-механических и прядильно-технологических свойств хлопкового волокна селекционных сортов Бухара 102 и Андижан 36, котором проводилась по всем переходам прядильной цепочки при выработке кардной пряжи кольцевого способа прядения трикотажного назначения линейной плотности 18,5 текс на кольцепрядильной машине Zinser-350 (Германия).

Для выработки пряжи использовалось хлопковое волокно 4 типа I сорта, класса Яхши селекционного сорта Бухара 102 в 1-ом варианте и Андижан 36 во втором варианте.

Показатели качества хлопкового волокна обоих вариантов, определенные с помощью измерительной системы HVI приведены в таблице 1.

Таблица 1

Показатели физико-механических свойств исходного сырья

№	Наименование показателей	Показатели	
		Селекция Бухара102	Селекция Андижан 36
1	Микромейр (Mic) (мтекс)	4,53 сред. (0,178)	4,62 сред. (0,182)
2	Штапельная длина в 1-32 дюйма (Staple Length)	35,17	34,81
3	Верхняя средняя длина (UHML), дюйм мм	1,121 28,47	1,112 28,24
4	Удельная разрывная нагрузка (Str), гс/текс	28,6 хор	28,2 хор
5	Индекс равномерности по длине (Ui), %	83,1 хор	83,56 хор
6	Коэффициент отражения (Rd), % (белизна)	78,87 хор	75,61 хор
7	Степень желтизны (B), %	8,85 слабо желтое	8,2 слабо желтое
8	Удлинение при разрыве (ELONG), %	8,61 большое	8,27 большое
9	Код Leaf-фактора	1,5 чистый	1,8 чистый
10	Индекс коротких волокон (SFi), %	5,2 мало	7,9 норм
11	Индекс пригодности к прядению (SCi) - извитость	143,47 хор	142,1 хор
12	Прядильная способность (CSP) «Count Strength Product»	2213,91 высокая	2185,13 высокая

Переработка сырья осуществлялась по технологической цепочке фирмы «Trutzschler» (Германия):

Показатели физико-механических свойств полуфабрикатов определялись на приборах фирмы Uster, засоренность чесальной ленты – по стандартным методикам [2].

В кольцепрядении чесальная машина является последним переходом, где происходит очистка хлопкового волокна. Одним из основных требований к чесальной ленте является уменьшение числа пороков в ней и полное разделение комплексов волокон.

Засоренность чесальной ленты по вариантам представлена в таблице 2.

Таблица 2

Засоренность чесальной ленты

№	Наименование показателей	Бухара102				Андижан 36			
		1	2	3	Ср	1	2	3	Ср
1	Количество пороков в 1 г чесальной ленты, шт	69	64	72	68	86	91	81	86
	в том числе:								
	узелки	58	54	59	57	70	73	67	70
	кожица с волокон	9	8	10	9	13	14	12	13
	сор	1	2	3	2	3	4	2	3
2	Засоренность ленты, %	0,81	0,74	0,88	0,81	1,33	0,96	0,98	0,97
	в том числе:								
	узелки	0,46	0,46	0,48	0,47	0,54	0,56	0,52	0,54
	кожица с волокон	0,31	0,26	0,34	0,30	0,38	0,37	0,42	0,39
	сор	0,04	0,02	0,06	0,04	0,04	0,05	0,03	0,04




Рис. 1 Засоренность чесальной ленты, %

На рис 1 видно, что кроме засоренности чесальной ленты из хлопкового волокна селекции Андижан 36 (0,97% против 0,81% у ленты из Бухары 102), возможно связанной с большей засоренностью исходного сырья (см. табл 2), имеется различие в структуре пороков. Такой порок как «кожица с волокном» в чесальной ленте из хлопка Андижан 36 составляет 40,2% (отн) от всех пороков, а из Бухары 102 – 37% (отн). Порок «кожица с волокном» снижает прядильную ценность волокна. Увеличение засоренности полупродукта ведет, как правило, к росту тонких мест и количеству непсов в пряже [3].

Поэтому с точки зрения засоренности ленты лучшим является селекционный сорт Бухара 102.

Чесальная лента, ленточная лента и ровница обоих вариантов протестирована на приборе USTER TESTER 5M. Результаты тестирования приведены в таблице 3.

Таблица 3

Показатели качества полуфабрикатов

№	Наименование показателей	Бухара 102				Андижан 36			
		1	2	3	Ср	1	2	3	Ср
	Чесальная лента								
1	Линейная плотность, ктекс	5,0	5,2	5,13	5,11	5,1	5,0	5,2	5,1
2	Коэффициент вариации по 1м отрезкам, %	1,04	0,88	1,08	1,0	1,22	1,2	1,27	1,23
3	Неровната по сечению,% -линейная, U_m	2,73	2,59	2,82	2,71	3,01	2,96	3,11	3,03
	- коэффициент вариации. C_m	3,42	3,25	3,53	3,4	3,79	3,72	3,92	3,81
	-Уровень UST	68	65	71	68	75	74	79	76
4	Теоретическая (идеальная) неровнота чесальной ленты по сечению, C_u %				0,597				0,603
5	Коэффициент К, характеризирующий процесс сечения				5,7				6,3
6	Оценка процесса, чесания				хор				хор
	Ленточная лента								
1	Линейная плотность, ктекс	5,0	5,01	5,0	5,0	5,02	5,0	5,1	5,04
2	Коэффициент вариации по 1м отрезкам, %	0,81	0,69	0,84	0,78	0,95	0,92	0,98	0,95
3	Неровната по сечению,% -линейная, U_m	2,4	2,29	2,48	2,39	2,6	2,65	2,77	2,67
	-коэффициент вариации, C_m	3,0	2,86	3,1	2,99	3,26	3,32	3,48	3,35
4	Отношение C_m/ U_m	1,25	1,25	1,25	1,25	1,254	1,253	1,256	1,255
	Ровница								
1	Линейная плотность, ктекс	678	676	676	676	674	673	676	674
2	Коэффициент вариации по 1м отрезкам, %	1,81	1,8	1,82	1,81	1,9	1,88	1,93	1,90
3	Неровната по сечению,% -линейная, U_m	4,22	4,08	4,20	4,17	4,76	4,78	4,82	4,79
	-коэффициент вариации, C_m	5,28	5,11	5,26	5,22	6,01	6,0	6,1	6,04
4	Отношение C_m/ U_m	1,251	1,252	1,252	1,252	1,26	1,255	1,266	1,261

Из таблицы 3 видно, что технологический процесс чесания при переработке обоих селекционных сортов оценивается как “хороший” (К=5,7 при переработке Бухары 102 и К=6,3 при переработке Андижан 36).

Неровнота по массе чесальной ленты отвечает 68% уровню по Устер-Статистик в 1-ом варианте, и 76% уровню при переработке Андижан 36, что говорит о лучшей структуре чесальной ленты при переработке Бухары 102.

Из таблицы 3 следует, что распределение массы волокон по сечению ленточной ленты (C_m/U_m=1,25) и ровницы (C_m/U_m=1,252) в первом варианте (Бухара 102) соответствует нормальному закону распределения (норма C_m/U_m=1,25). Во втором варианте (селекция Андижан 36) видна некоторая асимметрия распределения: в ленточной ленте C_m/U_m=1,255, в ровнице C_m/U_m=1,261.

Средние показатели неровноты полуфабрикатов сравниваемых вариантов по 1 м отрезкам и по сечению наглядно приведены на рис.2.




Рис. 2 Коэффициент вариации по 1 м отрезкам (Cv) и по сечению (C_m) полуфабрикатов

Увеличение значения асимметрии распределения возможно от периодических или случайных действий разных факторов, в том числе от групповых сдвигов волокон в вытяжных приборах, что возможно при использовании чесальной ленты из недостаточно распутанных, очищенных и неравномерно распределенных волокон по длине чесальной ленты (см. рис. 1 и 2). В результате лучшая неровнота ровницы как по 1 м отрезкам, так и по сечению при переработке селекционного сорта Бухара 102 (рис.2).

Выводы

1.Основными факторами, определяющими качество хлопчатобумажной пряжи являются свойства хлопкового волокна, из которого она вырабатывается.

2.Селекционный сорт Бухара 102 по совокупности свойств обладает лучшими прядильными способностями, чем сорт Андижан 36: на 0,09 пунктов ниже микронейр, на 0,36 мм выше штапельная длина, на 0,4 гс/текс выше удельная разрывная нагрузка, на 1,8% (абс) меньше содержание коротких волокон, ниже засоренность (leaf фактор 1,5 против 1,8).

Список литературы

1. И.А.Каримов. «О дополнительных мерах по стимулированию ускоренного развития предприятий текстильной промышленности» 2011.

2. T.V.Ratnam. «Sitra norms for spinning mills» India, Coimbator 2010.
3. Lawrense Hunter. Prediction of Cotton Processing Performanse and Yarn Properties from HVI Test Results, Melliand Textil Berichte, 4/1988 E 123.

ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ИФЛОС АРАЛАШМАЛАРДАН ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИДА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ВА НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Э.Э.Ғайбназаров[1], М.Т.Хожиев[2], Ш.Ш.Исаев[1],С.Т.Режаббоев[1]
Наманган муҳандислик-технология институти[1],
Гулистон давлат университети[2]

Мақолада чигитли пахтани майда ва йирик ифлос аралашмалардан тозалаш ускуналарида машинанинг тозалаш самарадорлиги, тозалагичлар техналогик параметрларини танлашда асосий назорат ишланмалар ва хисоблаш жараёнларини кўриб чиқилган. Тозалагичнинг асосий мохияти унга динамик куч таъсирида чиқинди заррачаси билан тола орасидаги бирикиш кучини камайтирш, ва уни хом ашё массасидан ажратишнинг назарий жихатлари аниқланган.

Калит сўзлар: *пахта, технология, ифлослик, назария, тенглама, кучлар, модел, тола.*

В статье рассматриваться конструкций очистителей описывающий отделение крупных и мелких сорных примесей от хлопковой массы, определено параметри для расчета очистительного эффекта имеющих упругую связъ с хлопком. Определена сущность теоретическых анализа выделения сорных примесей из волокнистого материала при динамических воздействие с рабочими органами разрыхлителя.

Ключевые слова: *хлопок, технология, сор, теория, уравнения, силы, модель, волокна.*

The article examines the structures of cleaners describing the separation of large and small weed impurities from the cotton mass, will determine the parameters for calculating the cleaning effect of having an elastic bond with cotton. The essence of the theoretical analysis of the separation of weed impurities from a fibrous material with dynamic effects with the working bodies of the baking powder is determined.


Key words: *cotton, technology, dirty, theory, equation, force, model, fiber.*

Тозалаш машиналарининг асосий вазифалари, уларнинг классификацияси, пахта тозалаш машиналарига қўйиладиган асосий техник талаблар, технологик жараённинг асосий ишчи органлари; Қозиқчали барабан ва қозиқчага таъсир қилувчи кучлар ҳисоби, тозалаш машиналарини теҳнологик параметрларини ҳисоблаш; Қозиқчали барабаннинг иш унумини ҳисоблаш, аррачали барабаннинг ҳисоби, аррали барабандан пахтани ажратиб олувчи чўткали барабаннинг ҳисоби; Тозалаш барабани ишчи валикларининг хисоблаш методикаси бўйича олиб борилади.

Қозиқли барабан ва аррали барабанларнинг иш унумдорлиги ва тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун турли тезликларда тажрибалар олиб борилди. Синовда С-6524, пахта хомашёси навидан фойдаланилди, унинг бошланғич сифат кўрсаткичлари: 2 саноат нав, 2-синф, намлиги 9%, ифлослиги 5,16%, улюклиги 1,5%, чигитнинг механик шикастланиш даражаси 2,17%. Пахта хомашёсидан танлаб олинган намуна янги қурмлма ускунасида ўтказилиб, тозаланган пахта хомашёсидан намуналар олинди ва лаборатория таҳлиллари ўтказилди. Бу таҳлиллар натижаси тозалаш такрорлигининг, ҳар-хил иш унумдорлигида тозалаш кўрсаткичларига таъсири 1-жадвал келтирилган. Жадвалдан

кўриниб турибдики, юқори ифлосликдаги пахта хомашёсини тозалашда иш унумдорлиги 4 т/соат бўлганда, тозалаш самарадорлиги-45,8% дан,65,1 % гача ошиши. жадвалда келтирилди.

Қозиқли барабаннинг тезлигини дифференциал ўзгариши хисобига тозалаш самарадорлигини ўсиш графиги



Тозалагичдаги қозиқли барабаннинг юқори дифференциялланган тезлигини аниқлаш графиги



1-расм.

Тажриба ўтказиш режаси

1-жадвал

Селекция нави	Бурчак тезлиги	Пахта ифлослиги		Чигит шикастланиши		Эркин тола		Тозалаш самарадорлиги	
		Тозалаш-дан олдин	Тозалаш- дан кейин	Тоза-лаш олдин	Тоза-лаш кейин	Тоза-лаш олдин	Тоза-лаш кейин	Уму-мий	Йи-рик ифл
	Машина терими пахта намлиги 9.14 %								
С-6524	7,8,	5,16	2,86	2,17	2,17	0,16	0,17	45,8	23,8
	8,9,	- /-/ -	2,23	- /-/ -	2,20	- /-/ -	0,18	56,9	33,1

	9,10,	- /-/ -	1,96	- /-/ -	2,25	- /-/ -	0,20	63,2	36,1
	10,11,	- /-/ -	1,84	- /-/ -	2,32	- /-/ -	0,18	65,6	41,9
	11,12,	- /-/ -	2,03	- /-/ -	2,45	- /-/ -	0,17	62,0	47,6
	Қўл терими пахта намлиги 8,23 %								
С-6524	7,8,	2,69	1,41	0,02	0,02	0,14	0,14	48,5	22,6
	8,9,	- /-/ -	1,08	- /-/ -	0,03	- /-/ -	0,15	60,8	30,3
	9,10,	- /-/ -	0,92	- /-/ -	0,08	- /-/ -	0,17	66,7	34,0
	10,11,	- /-/ -	0,87	- /-/ -	0,20	- /-/ -	0,15	63,2	35,2
	11,12,	- /-/ -	0,96	- /-/ -	0,40	- /-/ -	0,14	65,1	30,7

1) Кирувчи параметрлар

X_1-Таъминлагич айл/тезлиги

X_2-Қозиқли барабан айл/тезлиги

X_3-Аррали барабан айл/тезлиги

Тажриба режаси-1 3 Жадвал

Омиллар	$X_{мах}$	$X_{мin}$	$\Delta = \frac{X\max - X\min}{2}$	$Xcp = \frac{X\max + X\min}{2}$
1.Таъминлагич тезлиги	25	15	5	20
2. Қозиқли барабан тезлиги	500	400	50	450
3. Аррали барабан тезлиги	350	250	50	300

Тажриба режаси-2 3 Жадвал

Омиллар	$X_{мах}$	$X_{мin}$	$\Delta = \frac{X\max - X\min}{2}$	$Xcp = \frac{X\max + X\min}{2}$
1.Таъминлагич тезлиги	25	15	5	20
2. Қозиқли барабан тезлиги	500	400	50	450
3. Аррали барабан тезлиги	400	300	50	350

2) Чиқувчи параметр:

$У_1$-тозалагичнинг иш унумдорлиги, т/с ;

3 Жадвал

№ т/р	X_1	X_2	X_3	Y_{u1}	Y_{u2}	$Y_{uср}$	S_u^2	$\bar{Y}_u$	R_u (%)
1	-	-	-	2300	2400	2350	5000	4.25	4.25
	+	-	-	2500	2700	2600	20000	1.68	1.68
3	-	+	-	2400	2500	2450	5000	4.08	4.08
4	+	+	-	3100	3300	3200	20000	1.37	1.37

5	-	-	+	2700	2900	2800	20000	3.58	3.58
6	+	-	+	3400	3650	3525	31450	2.04	2.04
7	-	+	+	3200	3400	3300	20000	3.03	3.03
8	+	+	+	3800	4100	3950	45000	1.11	1.11

Олинган синов натижаларини ҳар қайси омил учун маълум кетма-кетликда алоҳида статистик усулда қайта ишлаймиз.

1) Бир хил сонда m параллел синовларда дисперцияни бир жинслилигини, S_u^2 натижаларининг сочилишини текширамиз:

$$S_u^2 = \frac{\sum_{p=1}^{m}(Y_{up} - Y_{uср})^2}{m-1} = \frac{\sum_{p=1}^{2}(Y_{up} - Y_{ucc})^2}{1}.$$

Бу ерда u - вариант тартиб рақами ($u = 1.2..N$).

$p = 1.2.3..m$ - параллел тажрибаларнинг тартиб рақами, m =2 $\bar{y}_u = \frac{1}{m}\sum_{p=1}^{m}\bar{y}_{up}$ -

Ҳар қайси вариантдаги ўртача тажрибалар сони.

Статистика ($S_{u(\max)}^2 = S_8^2 = 45000$ - дисперциянинг вариантлардаги максимал қиймати):

$$G = \frac{S_{u(\max)}^2}{\sum_{u=1}^{N} S_u^2} = \frac{45000}{166250} = 0{,}271 \qquad (4.4)$$

Кохрен кретериясига текширамиз: G_{α,k_1,k_2} - қийматлар жадвал маълумотаридан олинади. α - аҳамиятли сатҳи ($0 < \alpha < 1$), $k_1 = N$, $k_2 = m - 1$ эркинлик даражаси сони. Бизнинг ҳолда $\alpha = 0.05$, $m = 2$, $N = 8$, $G_{\alpha,k_1,k_2} = G_{0.05,8,1} = 0.68$, $G < 0.68$ ўринли бўлганлиги сабабли , дисперциянинг бир жинслилиги ҳамма m параллел тажрибанинг барча вариантларида бажарилади , у ҳолда дисперсиянинг ўрта қийматини танлаш мумкин

$$S_y^2 = \frac{1}{N}\sum_{u=1}^{N} S_u^2 = \frac{166250}{8} = 20781 \qquad (4.6)$$

2) Регрессия коэффициентларини қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$b_0 = \frac{1}{N}\sum_{u=1}^{N}\bar{y}_u,\; b_i = \frac{1}{N}\sum_{u=1}^{N}X_{iu}\bar{y}_u,\; b_{ij} = \frac{1}{N}\sum_{u=1}^{N}X_{iu}X_{ju}\bar{y}_u,\; b_{ijk} = \frac{1}{N}\sum_{u=1}^{N}X_{iu}X_{ju}X_{ku}\bar{y}_u \;, \quad (4.7)$$

Регрессия коэффициентларининг сонли коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга:

b0 := 3021.875000 *b1* := 296.8750000 *b2* := 203.1250000 *b3* := 371.8750000

b12 := 53.1250000 *b13* := 46.8750000 *b23* := 28.1250000 *b123* := -71.8750000

Жадвал қийматларидан фойдаланиб коэффициетларни аниқлаб, регрессия тенгламасини ёзамиз:

$$\hat{y} = b_0 + \sum_{i=1}^{k} b_i x_i + \sum_{i<1}^{k} b_{ij}X_iX_j + \sum_{i<j<l}^{k} b_{ijl}X_iX_jX_l$$

y := 3021.875000 + 296.8750000 *X1* + 203.1250000 *X2* + 371.8750000 *X3*
+ 53.1250000 *X1 X2* + 46.8750000 *X1 X3* + 28.1250000 *X2 X3*
− 71.8750000 *X1 X2 X3* (4.8)

3) Стюдент критерийси бўйича регрессия коэфициентларининг аҳамиятлилигини текширамиз. Дастлаб бир хил ишонч диапазонида Δb ҳамма регрессия коэффициентлари қуйидаги шартга жавоб бериши лозим:

$$\Delta b = t_{\alpha,k}\frac{S_y}{\sqrt{N}} \;,$$

Бу ерда $t_{\alpha,k}$ - Стюдент критерийси, α - ахамиятлилик сатхи, $\alpha = 0.05$, $k = N(m-1)$ - эркинлик даражаси сони.

Агар регрессия коэффициенти ишонч диапазонидан юқори бўлса, у холда коэффициентлар аҳамиятли бўлади:

$$|b_0| \geq \Delta b, |b_i| \geq \Delta b, |b_{ij}| \geq \Delta b, |b_{ijk}| \geq \Delta b \qquad (4.9)$$

Қуйидаги холда караймиз $t_{0.05,8} = 2.78$, $\Delta b = 2.78\frac{S_y}{\sqrt{N}} = 2.78\frac{\sqrt{20781}}{\sqrt{8}} = 141.69$

(4.9) тенгсизликка кўра регрессия тенгламасидаги аҳамиятли коэффициентлар b_0, b_1, b_2 ва b_3 бўлиб, регрессия тенгламаси қўйидагича ёзилади:

$$y := 3021.875000 + 296.8750000\ X1 + 203.1250000\ X2 + 371.8750000\ X3 \qquad (4.10)$$

Регрессия тенгламасини (4.8) кўринишдаги холда қабул қилинса, дисперсия синови нолга тенг бўлади. Бундай ҳолатда ҳамма $N = 2^k$ регрессия коэффициентлари ҳисобланган N аҳамиятли модель мувофиқлиги тўлиқ бажарилади. Бундай режалаштирилган тажриба тўйинган, дейилади. Агар қандайдир аҳамиятсиз коэффициентларни (4.8) регрессия тенгламасидан чиқарилса моделни адекватликка яна текшириш керак. Мувофиқлик тажриба қийматлари кириш параметрлари ($Y_{\text{ср}u}$) билан ҳисоб китоб қилинган қиймат билан ($\bar{Y}_u$) хар хил чиқувчи омиллар сатҳи бир биридан фарқланувчи бўлганда қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R_u = 100\left|\frac{Y_{cpu} - \bar{Y}_u}{Y_{\text{ср}u}}\right| \quad (u = 1....8) \qquad (4.11)$$

Агар регрессиянинг тўлиқ тенгламаси (4.8) қисқартирилган (4.9) га алмаштирилса, у холда (4.11) кўра энг катта фарқ 8..5% ташкил этади. Фарқни камайтириш мақсадида регрессия тенгламасини қўшимча икки ҳади b_{12} ва b_{13}ларни сақлаган холда ёзамиз:

$$y := 3021.875000 + 296.8750000\ X1 + 203.1250000\ X2 + 371.8750000\ X3 + 53.1250000\ X1\ X2 + 46.8750000\ X1\ X3 \qquad (4.12)$$

4). Қабул қилинган регрессия тенгламаси ёрдамида олинган қийматларни ва ҳосил бўлган фарқлар қиймаини 3 жадвалга киргизамиз

Фишер критерияси бўйича регрессия тенгламаси (4.12) ни адекватликка текшириш учун қолдиқ дисперция формуласидан фойдаланамиз ($k = 3$-кирувчи омиллар сони):

$$S_{oc}^2 = \frac{\sum_{u=1}^{N}(\bar{Y}_u - Y_{\text{ср}u})^2}{N-k-1} = = \frac{\sum_{u=1}^{8}(\bar{Y}_u - Y_{\text{ср}u})^2}{8} = 12727$$

Ушбу статистикага караймиз: $F = \frac{S_{oc}^2}{S_y^2} = 0.612$.Фишер критерийси F_{α,k_1,k_2} қабул қилинади, бу ерда α - аҳамиятлилик сатҳига қараб $k_1 = N-k-1 = 4, k_2 = N(m-1) = 8$, жадвалдан топамиз: $F_{\alpha,k_1,k_2} = 3.01$ $F < F_{\alpha,k_1,k_2}$ тенгсизлик бажарилганлиги сабабли мувофиқлик гипотезаси ўринли бўлади.

$У_2$ -пахтанинг тозалаш самарадорлиги ,%;

4-Жадвал

Т/р	X_1	X_2	X_3	Y_{u1}	Y_{u2}	$Y_{u\text{ср}}$	S_u^2	$\bar{Y}_u$	$R_u(\%)$
1	-	-	-	37	41	39	0.765	38.12	2.243
2	+	-	-	39	44	41.5	1.890	48.87	3.313
3	-	+	-	38	42	41	0.391	40.62	1.562

4	+	+	-	44	49	46.5	1.265	45.37	2.419
5	-	-	+	41	46	43.5	1.410	43.87	0.862
6	+	-	+	46	53	49.5	1.265	48.37	2.272
7	-	+	+	42	51	46.5	0.015	46.37	0.268
8	+	+	+	47	54	50.5	0.391	51.12	1.237

Статистика ($S^2_{u(\max)} = S^2_8 = 40.5$ - дисперциянинг вариантлардаги максимал қиймати):

$$G = \frac{S^2_{u(\max)}}{\sum_{u=1}^{N} S^2_u} = \frac{40.5}{143} = 0,283$$

$G_{\alpha,k_1,k_2} = G_{0.05,8,1} = 0.68$, $G < 0.68$ ўринли бўлганлиги сабабли, дисперциянинг бир жинслилиги ҳамма m параллел тажрибанинг барча вариантларида бажарилади , у ҳолда дисперсиянинг ўрта қийматини танлаш мумкин:

$$S^2_y = \frac{1}{N}\sum_{u=1}^{N} S^2_u = \frac{143}{8} = 17.785$$

Регрессия коэффициентларининг сонли коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга:

$b0 := 44.62500000$ $b1 := 2.375000000$ $b2 := 1.250000000$ $b3 := 2.875000000$

$b12 := .250000000$ $b13 := .125000000$ $b23 := -.250000000$ $b123 := -.750000000$

Жадвал қийматларидан фойдаланиб коэффициетларни аниқлаб, регрессиия тенгламасини ёзамиз:

$$y := 44.62500000 + 2.375000000\ X1 + 1.250000000\ X2 + 2.875000000\ X3$$
$$+ .250000000\ X1\ X2 + .125000000\ X1\ X3 - .250000000\ X2\ X3$$
$$- .750000000\ X1\ X2\ X3$$

Бир хил ишонч дапазонида Δb ҳамма регрессия коэффициентлари қуйидаги шартга жавоб бериши лозим:

$\Delta b = t_{\alpha,k}\frac{S_y}{\sqrt{N}} = 2.73\frac{\sqrt{17.785}}{\sqrt{8}} = 4.55$, (4.9) тенгсизликка кўра регрессия тенгламасидаги аҳамиятли коэффициенти b_0 бўлиб, регрессия тенгламаси қўйидагича ёзилади:

$$y = b_0 = 44.625$$

Агар регрессиянинг тўлиқ тенгламаси қисқартирилган $y = b_0 = 44.625$ га алмаштирилса, у ҳолда энг катта фарқ 14.42% ташкил этади.

Фарқни камайтириш мақсадида регрессия тенгламасини қўшимча икки ҳади b_1 , b_2 ва b_3 ларни сақлаган ҳолда ёзамиз:

$$y := 44.62500000 + 2.375000000\ X1 + 1.250000000\ X2 + 2.875000000\ X3$$

Хулоса. Қабул қилинган регрессия тенгламаси ёрдамида олинган қийматларни ва ҳосил бўлган фарқлар қийматини 4-жадвалга киргизамиз.

Қолдиқ дисперция формуласидан фойдаланиб ($k = 3$ -кирувчи омиллар сони) аниқлаймиз:

$$S^2_{oc} = \frac{\sum_{u=1}^{N}(\overline{Y}_u - Y_{cpu})^2}{N-k-1} = = \frac{\sum_{u=1}^{8}(\overline{Y}_u - Y_{cpu})^2}{8} = 1.531$$

Статистика қиймати $F = \frac{S^2_{oc}}{S^2_y} = 0.0566$

$F < F_{\alpha,k_1,k_2}$ тенгсизлик бажарилганлиги сабабли мувофиқлик гипотезаси ўринли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Г.Севостьянов. Методы и средства исследование механико-технологических процессов текстильной промышленности. Москва, “Легкая промышленность” 1980 г.

2. Э. Гойибназаров, А.Обидов, М.Камолидинов. Теоретические исследование процесса очистки хлопка-сырца от крупных и мелких сорных примесей под механическим воздействием. Научно-технический журнал «Проблемы механики», №2, 2016, 38-43 с.

3. Ф.Б. Омонов таҳрири остида. Пахтани қайта ишлаш справочниги. Тошкент 2008 й.

4. Д.А.Лебедев и др. Нелинейная модель воздействия на сорную частицу при очистке волокна. Журнал «Технология текстильной промышленности», №5(320), 2009 г.

ПИШИТИШ ИНТЕСИФИКАТОРИДА ИПНИНГ ҲАРАКАТ ҚОНУНИЯТИНИ АНИҚЛАШ

Ш.А.Қорабаев[1], Б.М.Мардонов[2], С.Л.Матисмаилов[2], Ш.Ф.Махкамова[2], Н.Н.Рўзибоев[2]
Наманган муҳандислик-технология институти[1]
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти[2]

Мақола йигириш камерасида ип бураминнинг тарқалишини тадқиқ этишга бағишланган. Мақола пневмомеханик йигириш машинасининг ип ўтказувчи найчанинг самарали конструкциясини схемаси, ҳамда ишлаш принципи келтирилган. Ип ўтказувчи найча ичига ўрнатилган роликнинг ҳаракат қонуниятини аниқлаш учун ҳаракатланаётган роликни эгиб ўтаётган ипнинг таранглиги ўрганилиб, натижада унинг ҳаракатланиш тенгламаси олинди. Тенгламани ечиш натижасида айланаётган ролик сиртида ип таранглигини қийматлари олинди. Айланиш бурчаги ва ролик массасига кўра ип таранглигини вақт давомида ўзгариш боғланишлари олинди. Ип ўтказувчи найчанинг таклиф этилаётган конструкцияси пневмомеханик ипнинг пишиқлигини оширишга имкон беради.

Калит сўзлар: *ип, пишитилганлик, пневмомеханик йигириш машинасининг камераси, чизиқий зичлик, сифат, айланиш, найча, қия рифлялар, ролик, таранглик, тезлик*

Статья посвящена исследованию распространения крутки пряжи в прядильной камере. В статье приведены схема и принцип работы эффективной конструкции пряжевыводной трубочки пневмомеханический прядильной машины. Для определения закона движения ролика, установленного в пряжевыводной трубочке исследовано натяжение нити, огибающей поверхности вращающегося ролика, в результате чего получено уравнение его движения. В результате решения уравнения получены значения натяжения нити на поверхности вращающего ролика. Получены зависимости изменений натяжения нити во времени в зависимости от угла поворота и массы ролика. Рекомендуемая конструкция пряжевыводной трубочки позволяет повысить прочностные характеристики пневмомеханической пряжи.

Ключевые слова: *пряжа, крутки, камера пневмомеханической пряпрядильной машины, линейная плотность, качество, вращения, трубка, наклонные рифли, ролик, натяжения, скорость*

The article is devoted to the study of spreading of the twisted yarn in a spinning cell. The article presents the scheme and principle of operation of the effective design of the yarn-output tube of pneumomechanical spinning machine. To determine the law of motion of a roller installed in a yarn-output tube, the tension of the thread enveloping the surface of the rotating roller was

studied, as a result of which the equation of its motion was obtained. As a result of solving the equation, the values of the thread tension on the surface of the rotating roller are obtained. The dependences of the change in the tension of the thread in time are obtained depending on the angle of rotation and the mass of the roller. The recommended design of the yarn-output tube allows increasing the strength characteristics of the pneumomechanical yarn.

Keywords: *yarn, twist, cell, spinning machine, pneumatic spinning, linear density, quality, rotation, tube, inclined flute, roller, tension, speed,*

Ипнинг муҳим механик хусусиятларидан бири узиш кучи бўлиб, у йигириш технологик жараённининг барқарорлигини белгилайди [1].

Камерали пневмомеханик йигириш усули пахта, кимёвий толалар ва уларнинг аралашмасидан катта ва ўрта чизиқий зичликдаги ипларни ишлаб чиқариш учун кенг қўлланилади [2].

Ушбу усулнинг моҳияти пилтани алоҳида толалар оқимига айлантириш, бу оқимдан йигириш камерасининг ўйиқ қисмида ҳалқасимон пилтача ҳосил қилиб, пилтачага бурам бериб тортувчи валиклар ёрдамида узлуксиз чиқариладиган ип шакллантиришдир.


Пневмомеханик йигириш машиналарни такомиллаштириш ишлари пневмомеханик йигиришни самарадорлиги, ип сифатини ошириш ва узилишлар сонини камайтириш, ип шаклланаётганда энергиядан самарали фойдаланиш мақсадида давом этирилмоқда бўлиб, бу [3] ишда келтирилган.

Камеранинг доимий айланиш шароитида ипнинг таранглиги ва бурамни тақсимланиши рақамли моделлаштирилиб, бу ерда йигиришнинг турли ўлчамсиз параметрларнинг ип таранглиги ва бурам тақсимланишига таъсири баҳоланди [4]. Бундан ташқари [4] ишда камера айланганда ипнининг ҳаракатланиши ва динамикаси кўриб чиқилади, бу эса йигириш камеранинг айланиш вақтида ип ечилиш нуқтасида буралиш даражасини аниқловчи аналитик моделни беради [5]. Олинган модел [5] таранглик ва машинанинг ишчи параметрлари нуқтайи назардан йигириш камераси ичида ишқаланиш контакт қисмида бурамни миқдорий тақсимлашга имкон беради. Ёлғон бурам бериш органи сифатида махсус фрикцион сиртли ип ўтказувчи воронка ишлатилади. Энг кам узилишларга эга бўлган барқарор технологик жараённи таъминлаш учун ип ўтказувчи воронка ҳосил қилаётган буралиш моменти максимал қийматга эга бўлиши керак [7]. Ёлғон бурам эффекти бир қатор олимлар томонидан ўрганилган [7].

Ипни чиқаришда ҳар бир қисмида ўқ кучини камайтириш мақсадида тегишли мосламаларни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Улардан баъзилари қуйида кўриб чиқилади.

Бу жараёнларни амалга оширишда ҳаво ва механик таъсирлар ишлатилади. Ушбу жараёнларда юзага келадиган ҳодиссалар ва уларнинг қонуниятлари А.Г. Севостьянова И. Рипки, Ж. Люненшлес ва бошқалар ишида очилган [2].


Йигириш мосламадан ипни тортиб чиқарувчи найча тавсия этилиб, у бир-бирига бириктирувчи бурчак ёрдамида қаттиқ бириктирилган иккита секцияда иборат ва ишчи сиртида қия рифлялар мавжуд бўлган керамик киргизма (расм1) билан жиҳозланган, найчанинг биринчи секцияси йигириш мосламанинг камераси билан уланган [8]. Ушбу йигириш мосламадан ипни тортиб чиқарувчи найча конструкциясини камчилиги ипни керамик киргизманинг қия рифляли сиртига тегиш натижасида ўта тормозланишидир, ҳамда киргизманинг ишчи сиртидаги қўзғалмас қия рифлялар таъсирида ипни кўндаланг йўналишда бир томонлама силжишидир, бу эса ипни қўшимча узайишига ва унинг етарли пишитилишини камайтиришга олиб келади.



1-расм. Пневмомеханик йигириш машинасининг бурам сақлагич (интенсификатор) мосламасининг кўриниши. а-силлиқ, б-ўйиқ

Ипнинг пишиқлик хусусиятларини ошириш мақсадида йигириш мосламадан ипни тортиб чиқарувчи найча конструкцияси такомиллаштирилган бўлиб (расм2), ишқаланиш қаршилигини камайтириш имконини беради ва киргизманинг рифлянган сиртини ҳаракатланувчанлигини тортиб чиқарилаётган ипни керакли марказлаштириш билан таъминлайди.

Йигириш мосламани ишлаш жараёнида ип 3 (расм2) найча секциялар 1 ва 2 орқали ташқарига тортилиб чиқарилади. Бунда найчали секциялар 1 ва 2 ўтиш зонасида ип 3 ўқ 7 атрофида айланаётган керамик ролик 5 нинг қия рифлялари 8га тегиб туради. Керамик ролик 6 айланиши ҳисобига тортилиб чиқарилаётган ип 3га ундан бўладиган қаршилик камроқ бўлади, бу эса ип 3ни қўшимча узайиш деформациясини деярли йўқотати. Бундан ташқари, қия рифлялар 8 ҳисобига ролик 6 айланиш вақтида ип самарали пишитилади 3 [9].



2-расм. Йигириш мосламани ипни тортиб чиқарувчи найча

Йигириш мосламани ипни тортиб чиқарувчи найчани тавсия этилаётган конструкцияси олинаётган ипни пишиқлик хусусиятларини оширишга имкон беради [10].

Қўйилган масалани ечиш учун, яъни найчадан тортиб чиқарилаётган ипдаги бурамлар тарқалишини яхшилаш учун, чиқарилаётган ипни таранглигини ҳисобга олиб ролик иши таҳлил қилинди.

МАСАЛАНИ ҚЎЙИЛИШИ

Айлана ёйи кўринишдаги воронка сирти бўйлаб ипни контур ҳаракат масаласи кўриб чиқилди. Бунда ёй қўзғалмас ўқ атрофида $v_e(t)$ тезлик билан ҳаракатланади, ипни ҳар бир нуқтаси эса ёйга нисбатан v_r тезликга эга. [11] ишга амал қилиб ипнинг контур ҳаракати Эйлер усули ёрдамида ўрганилди. Эйлер координатларда ип ҳаракати иккита аргумент s,t (s- ёй узунлиги, t- вақт) билан хусусий ҳосиласида дифференциал тенглама билан ифодаланади, унинг контур ҳаракати эса битта аргумент s оддий дифференциал тенглама билан ифодаланади. Шакли ўзгармайдиган вақтда чўзилмайдиган ипнинг контур ҳаракатида унинг барча нуқталари маълум вақтда модуль бўйича бир тезликга эга, унда

$\frac{\partial v_r}{\partial s} = 0$ деб қабул қилинади, яъни ипнинг нисбий тезлиги фақат вақт t ни функциясидир. Табиий бирлик координаталар $\vec{e}_1$ ва $\vec{e}_2$ ни киритамиз, улар тегишлича уринма ва нормал контур бўйлаб йўналган ва ипнинг нисбий тезлигини қуйидаги кўринишда ёзамиз: $\vec{v} = v_e \vec{e}_1$. Ипнинг ихтиёрий нуқтасининг умумий тезланиши нисбий $\vec{w}_r$ ва кўчма $\vec{w}_e$ тезланишлар йиғиндиси кўринишида ифодаланади.

$$\vec{w} = \vec{w}_e + \vec{w}_r$$

Бундай ҳолатда, боғланган ўқлар $\vec{e}_1 O \vec{e}_2$ га нисбий ва кўчма тезланишларни проекцияси қуйидаги кўринишга эга [11].

$$w_{r1} = \frac{dv_r}{dt} = \dot{v}_r,\ w_{r2} = \frac{v_r^2}{R},\ w_{e1} = \dot{v}_e,\ w_{e2} = 0$$

Бу ерда *R*- айланма ёйи радиуси.

Ип оғирлигини ҳисобга олмай, қамраш ёйи бўйлаб фақат ишқаланиш кучи τ ва нормал реакция q ни ҳисобга ҳисобга оламиз. Бу кучлар учун Амонтон – Кулон қонуни амал қилади деб ҳисоблаб, ипнинг айлана ёйи бўйлаб контур ҳаракатнинг асосий тенгламаси қуйидаги кўринишда ифодалаймиз [11]

$$\frac{\partial (T - \mu v_r^2)}{\partial s}\vec{e}_1 + \frac{T - \mu v_r^2}{R}\vec{e}_2 + \tau\vec{e}_1 - q\vec{e}_2 - \mu\dot{v}_r\vec{e}_1 - \mu\dot{v}_e\vec{e}_1 = 0 \qquad (1)$$

Бу ерда *T=T(s,t)* – таранглик, μ- ипнинг погон массаси. Ип айлана ёйи (воронкани) айланиши томонига ҳаракатланаётди деб қабул қилсак

$v_r > v_e$ бўлганда $\tau = -kq$, $v_r < v_e$ бўлганда $\tau = kq$, $v_r = v_e$ бўлганда $-kN < \tau < kN$ (2)

Қабул қиламиз $v_r > v_e$, $s = R\varphi$ (2)ни ҳисобга олган ҳолда (1) тенгламани қуйидаги кўринишга келтирамиз

$$0 < \varphi < \alpha \text{ бўлганда } \frac{\partial (T - \mu v_r^2)}{\partial \varphi} - k(T - \mu v_r^2) = \mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)\ ,\ N = T - \mu v_r^2 \qquad (3)$$

бу ерда *k*- ип ва воронка сирти орасидаги ишқаланиш коэффициенти, $\varphi=\alpha$ – қамраш ёйи, N=Rq – нормал куч. Бурчак қиймати $\varphi = 0$ ипни воронкага тегиш нуқтасига тўғри келади, $\varphi=\alpha$ ипни контурдан тушиш нуқтасига. $T(\alpha) = T_0$ шарт бўйича биринчи тенгламани (2)дан интеграллаб, оламиз

$$T = [T_0 - \mu v_r^2 + \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k}]e^{k(\varphi-\alpha)} - \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k} + \mu v_r^2 \qquad (4)$$

$$N = [T_0 - \mu v_r^2 + \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k}]e^{k(\varphi-\alpha)} - \frac{\mu R(\dot{v}_r + \dot{v}_e)}{k} \qquad (5)$$

ЕЧИШ УСУЛИ

графиках, т.е., при больших значениях k_n скорость воздуха остаётся бех изменения после значения 15 м/с.

Скорость хлопка (рис.8) изменяется тоже согласно предыдущей закономерности: при меньших значениях k_n интенсивность увеличения скорости относительно низкая, однако это увеличение сохраняется долго, а при больших k_n интенсивность роста намного выше, но после 30 метров скорость хлопка почти стабилизируется. При этом, скорость составляет порядка 9- 10 м/с. Если обратить внимание на скорость воздуха, то можно увидеть его значение – на расстоянии 40 – 50 метров она составляет порядка 14 – 15 м/с, т.е., воздух опережает хлопок с относительной скоростью, равной разнице их скоростей. Отношение скорости хлопка на скорость воздуха даст коэффициент опаздывания, которое в нашем случае составляет величину, равную табличным значениям k = 0.7 – 0.75 [5,6]. Этот коэффициент показывает насколько опаздывает хлопок от воздуха. Факт равности теоретических значений с табличными, которые установлены экспериментально, доказывает соответствие установленной теоретической закономерности с естественной закономерностью движения хлопковоздушной смеси в транспортных трубопроводах пневмоустановок и даст возможность предложить установленные формулы для расчетов пневмотранспорта [7,8] и при его проектировании.

Полученная модель является универсальным и ее можно применить для расчетов трубопроводов с переменным сечением.

Выводы

1. Исследованиями установлено, что при пневматической транспортировке, в начальных 20 – 25 метрах трубопровода сильно увеличивается пористость транспортируемого хлопка, что показывает его подвержение деформацию растяжения и доказывает из-за чего хлопок при пневмотранспортировке разрыхляется, становится более распушенным, отделяется от него сорные примеси.
2. Вхождение хлопка в трубопровод пневмотранспорта приводит к резкому снижению давления и скорости воздуха, а скорость хлопка в начальных 15 – 20 метрах трубопровода увеличывается сильно, затем с более умеренной интенсивностью.
3. Многоскоростная модель движения хлопковоздушной смеси как гетерогенной среды в пневмотранспортных трубопроводах более правильно описывает процесс перемещения воздуха и материала во время пнемотранспортировки, что дает возможность предложить ее использование для расчетов пневмотранспорта и при его проектировании.

Список использованной литературы

1. Х.Рахматуллин. Газовая и волновая динамика. Изд.МГУ.,Москва, 1983.
2. Abdukarimovich, M.O., Ibragimovich, A.K. and Sharipjanovich, S.O. (2018) Designing a New Design of a Loading Cylinder for Pneumomechanical Spinning Machines. Engineering,10, pp. 345-356.
3. I.Abbazov, O. Sarimsakov, M.Khodjiev, B.Mardonov. Effective Cleaning of Cotton Waste Produced at Cotton Cleaning Factories.// American Journal ASCIT Communications. 2018; 5(2): pp.22-28
4. Sarimsakov O., Gaybnazarov E. About Energy Consumption in Pneumatic Conveying of Raw Cotton. American Journal of Energy and Power Engineering.vol.3,No.4,2016, pp.26-29. Published: March 2, 2017.
5. Ахмедходжаев Х.Т. Исследование транспортирования хлопка-сырца в металлополимерных трубопроводах и их влияние на качество волокна и семян. // Диссертация канд. техн. наук, Ташкент, 1980.

6. Кадырходжаев С.К. Разработка сепаратора для хлопка-сырца с целью сохранения его качественных показателей и сокращения потерь волокна. // Диссертация канд. техн. наук, Ташкент, 1986.
7. Sarimsakov O., C.Xusanov, R.Muradov. The Change in Air Pressure Along the Length of the Pipeline Installation for Pneumatic Conveying of Raw Cotton. J. Engineering and Technology// 2016; 3(5): 89-92//www.aascit.org/journal/et
8. Sarimsakov O. The Possibility of reducing air consumption and power consumption in pneumatic conveying of raw cotton.// American Journal of Science and technology.// 2016; 4(6):68-72. http:www.aascit.journal/ ajst.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, САҚЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВЫРАЩИВАНИЕ, ХРАНЕНИЕ, ПЕРЕРАБОТКА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ И ПИЩЕВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

КОРХОНАЛАРДА МЕВА - САБЗАВОТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ЖИҲОЗЛАРИ ШАРҲИ

Т. Л. Худайбердиев, Д.Б. Мухаммаджонова, М.И. Камолиддинов
Наманган муҳандислик-технология институти

Ушбу мақолада мева - сабзавотларни консервалашдан олдин уларга ишлов бериш учун навлаш, саралаш, бир ўлчамга келтириш (калибрлаш), ювиш, тозалаш, майдалаш, пресслаш жиҳозларининг тузилиши бўйича адабиётлар шарҳи талабаларга курс иши, лаборатория ва амалий ишларни бажариш учун келтирилган.

Калит сўзлар: *Саралаш, тозалаш , навлаш, калибрлаш, ювиш, тозалаш, майдалаш, пресслаш, жиҳоз, хом ашё,олма,нок,беҳи, помидор, технологик жараён, унумдорлик.*

В статье приведены сведения из литературного обзора по устройству оборудований для обработки плодо-овощей перед консервацией как сортировка, отборка, калибровка, мойка, очистка, резка и прессовка для выполнения студентами лабораторных, курсовых и практических работ.

Ключевые слова: *Сортировка, отборка, калибровка, мойка, очистка, резка, прессовка, оборудование, сырец, яблоко, груша, айва, помидор, технологический процесс, производительность.*

The article provides information from the literature observation on the device equipment for manufacturing fruit-vegetables before conservation as sorting, picking, calibration, washing, cleaning, cutting and pressing, for students to perform laboratories, course and practical works.

Keywords: *Sorting, picking, calibration, washing, cleaning, cutting, pressing, equipment, raw, apple, pear, quince, tomato, technological process, productivity*

Йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз равишда таъминлаб туриш халқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини катта ҳажмда сифатини бузмасдан сақлаш ва уни жаҳон андозаларига мос равишда қайта ишлаб, бозор талабларига мос маҳсулотларни узлуксиз етказиб берилиши керак.


Мева ва сабзавотларни консервалашдан олдин уларни ифлосликлардан, истеъмол учун яроқсиз қисмлардан, бошқа қўшимчалардан тозаланади. Бунинг учун уни навлаш, саралаш, бир ўлчамга келтириш (калибрлаш), ювиш, тозалаш, майдалаш, пресслаш ва бошқа жараёнлардан ўтказиш керак.

Саралаш, тозалаш ва навлаш. Саралаш, тозалаш ва навлашдан мақсад хом-ашёнинг пишиш даражаси, ранги, шакли ва ўлчами (калибрлаш) ҳамда помологик нави бўйича бир хилда бўлишига қаратилган.

Саралаш билан бир вақтнинг ўзида маҳсулот (хом-ашё) тозаланади. Бунда консервалашга яроқсиз нусҳа (айниган, кучли ифлосланган, урилган, моғорлаган)лари олиб ташланади. Саралаш ва навлаш асосан ташувчи конвейрда қўл ёрдамида амалга оширлади.

Чириган, урилган, лат еган, эзилган, моғорлаган нусҳалардан, бегона қўшимчалардан (хас, чўп, тош ва ҳоказо) холос этиш мақсадида хом-ашё тозаланади. Офтобда куйганлари, доғлилари, ранги ва пишиш даражасига қараб эса навларга ажратилади. Консервалаш корхоналарида тозалаш ва навлаш учун ишлаб чиқариш унумдорлиги 1000...3000 кг/соат бўлган ролик юзали тозаловчи-навловчи конвейрлар муваффақиятли қўлланилади (1-расм).

Ролик юзали конвейрларнинг ишлаш тарзи қуйидагича: хом-ашё маҳсулот қабул қилувчи бункерга юборилади ва ундан роликли ташувчи юзага ўтади. Ташувчи қурилма ҳаракатланганда роликлар ўз ўқи атрофида айланади ва хом-ашёни ҳам айлантириб, сифатини ҳар томонлама кўриш имконини беради. Ишчилар ташувчи қурилманинг иккала томонида туриб консервалашга яроқсиз хом-ашёни ажратишади ва қурилманинг ён томонига ўрнатилган махсус металл қопчаларга солишади. Ташувчи қурилманинг чиқиш қисмида душ ўрнатилган бўлиб, ундан ўтаётган хом-ашё чайилиб, кейинги жараёнга бориб тушади. Нозик, юмшоқ, серсув хом-ашё учун ишлаб чиқариш унумдорлиги 75...10 000 кг/соат бўлган лентали тозаловчи-ташувчи қурилма қўлланилади.



1-расм. Т1-КТ2В роликли саралаш конвейри:

1 — маҳсулот кирадиган лоток; *2* — роликли ташувчи; *3* — чиқиндилар йиғиладиган идиш; *4* — чиқиндиларни ташиб чиқарувчи лентали ташувчи қурилма; *5* — душ қурилмаси; *6* — електр узатма; *7* — хом-ашё чиқадиган жой; *8* — чиқитларни йиғувчи идиш.

Резавор мевалар ва узумни тозалаш ва навлаш учун эса ишлаб чиқариш унумдорлиги 1,5 т/соат бўиган М2-Ц1 конвейридан фойдаланилади. Хом-ашё 0,1 м/сек тезлик билан ҳаракатланадиган лента устига келиб тушади. Худди роликли конвейрлардаги каби яроқсиз мевалар қўл билан ажратилади. Бундан ташқари, М2-ЦИ конвейри хом-ашёни 4 метр масофага узатиб бериш учун ҳам қўлланилади.

Ювиш. Консерва ишлаб чиқариш корхоналарига келиб тушган сабзавотлар чанг, қум билан кучли ифлосланганлиги учун уларни бир неча босқичда яхшилаб ювилади, 1 кг хом-ашё учун ўртача 0,7...0,8 л сув сарф бўлади.

Ювиш хом-ашё сиртидаги ифлосликлар, заҳарли кимёвий моддалар, микроорганизмлар ва механик бегона қўшимчалардан тозалаш мақсадида олиб борилади. Кўпинча хом-ашё 2 марта, яъни технологик жараёнлар бошида ва тозалаш-навлашдан кейин ювилади. Хом-ашё одатда тоза ичимлик суви билан, баъзида эса соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан руҳсат этилган кимёвий моддалар қўшилган сув билан ювилади. Кимёвий модда қўшилган сув билан ювилган хом-ашё ювишдан кейин албатта тоза сувда чайилиши шарт. Ишлатиладиган сув Давлат стандартининг тоза «Ичимлик суви»га қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши керак. Сувнинг умумий қаттиқлиги 7 мг.экв/ 1 дан ошмасииги, қўрғошин, мис, фтор, руҳ тузларининг миқдори руғсат этилган миқдордан ошмаслиги, аммиак, олтингугурт ва водород умуман бўлмаслиги керак. Темир тузларининг бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ емас, чунки у хом-ашё таркибидаги моддалар билан кимёвий реакцияга киришиб, хом-ашё рангининг қорайишига сабаб бўлади. Сув тоза, тиниқ ва янги бўлиши шарт.

Механик урилишларга чидамли бўлган олма ва бошқа хом-ашёлар А9-КМ-2 барабанли сувда ивитиш машинасида ювилади.

Унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги 4000 т/соат. Хом-ашё қабул қилиш бункери орқали машина ваннасининг ичида ўрнатилган эгилган решеткага тушади. Ванна ичидаги сувда хом-ашё сиртидаги ифлосликлари ивийди ва тозалаб ювилади. Эгилган ташувчи қурилма хом-ашёни ваннадан олиб чиқади ва душ қурилмаси остидан ўтишда чайилиб, кейинги жараёнга узатилади.


Сиртида туклари бўлган, қаттиқ сабзавот хом-ашёлари (масалан беҳи, бодринг, кабачки, бақлажон, помидор) чўткали ювиш машиналарида ювилади.

Машинанинг асосий ишчи қисми ванна ҳисобланади. Маҳсулот сув тўлдирилган ваннага келиб тушгач, блокдаги капрон ва резинали чўткалар ёрдамида ювилади. Бунда механик ифлосликлар тўлиқ тозаланади. Машинанинг иш унумдорлиги 4000 кг/соатгача, сув сарфи 3 $м^{3}$/соат; оғирлиги-1725 кг; қуввати 2,2 кВт. Ваннанинг сиғими 1,8 $м^3$ га тенг.

Эзилувчан, тез лат ейдиган мевалар Т1-КУМ-1 маркали, ишлаб чиқариш унумдорлиги 3 т/соат бўлган вентиляторли ювиш машиналарида ювилади. Хом-ашё тўхтовсиз ваннага келиб тушиб туради. Ванна тубига вентилятор ёрдамида ҳаво юбориб турилади ва натижада ваннадаги сув ҳаракатга келиб, меваларни ҳам ҳаракатлантиради ва уларни бир-бирига ишқаланиб сифатлироқ ювилишини таъминлайди. Хом-ашёни ваннадан роликли ташувчи қурилма ёрдамида душ қурилмаси остидан олиб ўтилиб, тўкувчи лоток томонга ташилади. Душ остида хом-ашё тоза сув билан чайилади.

Ўта нозик мевалардан ертут, қулупнай, маймунжонлар фақат душ остида, кичик босим билан юборилаётган тоза ичимлик суви билан ювилади.

Бир ўлчамга келтириш. Турли катта-кичикликдаги аралаш хом-ашёлар баъзи турдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун бир ўлчамга келтирилади. Олча, гилос, олхўри, ўрик мевалари КТП маркали, олма, шафтоли КУ маркали ёки шнекли ва валик-лентали машиналарда бир ўлчамга келтирилади.



2-расм. А9-ККБ универсал бир ўлчамга келтириш қурилмаси:

1—таглик; *2*—роликлар; *3* — ўлчамга ажратувчи транспортёр; *4* — чиқитлар чиқадиган транспортёр; 5 — элеватор; *6* — электродвигател.

А9-ККБ универсал бир ўлчамга келтириш машинаси ўрик, олхўри, олма ва бошқа мевалар учун мўлжалланган. Хом-ашё элеваторнинг қабул қилувчи бункерига келиб тушиб, ундан роликлардан ташкил топган бир ўлчамга келтирувчи юзага ўтади. Дастлаб роликлар орасидаги кичик оралиқлардан майда хом-ашё ўтади, ташувчи қурилма ҳаракатланган сари роликлар орасидаги оралиқнинг ўлчами катталашиб боради ва бу оралиғдан ўтган бир ўлчамли мевалар қурилма остидаги бункерда йиғилиб, бу қурилмага кўндаланг ўматилган иккинчи бир ташувчи қурилмага навбатма-навбат тушади ва ундан кейинги жараёнга узатилади. Бу машина меваларни ўлчамга ажратиб беради, уни ишлаб чиқариш унумдорлиги 3 т/соат.

Бу жараён тайёрланган консерва маҳсулотларининг юқори сифатли ва ўзига тортувчан, жозибадор кўринишга эга бўлишига олиб келади.

Кўпгина чўзиқ шаклдаги сабзавотларни ўлчамга ажратиш троссли калибрлаш қурилмасида амалга оширилади (2-расм). Қурилма станина, иккита устки ва пастки барабан, иккита йўналтирувчи ролик ва темир тросслардан ташкил топган.


Хом-ашёни навлаш ва бир ўлчамга келтириш унинг пишиш даражаси, ранги ва ўлчами бўйича амалга оширилади.

Тросслар барабанларга тортилган ва уларни 1-барабандан 2-сига қараб ҳаракатланганда, улар орасидаги масофа ортиб боради. Бу қурилма маҳсулотларни 4—6 ўлчам бўйича калибрлаши мумкин. Машинанинг иш унумдорлиги 1,0... 2,0т/с.

Истеъмол учун ярамайдиган қисмлардан ажратиш. Истеъмол учун ярамайдиган ёки жуда кам озуқавий қийматга эга бўлган қисмларга пўстлоғи, дони, банди ва бошқалар киради. Олча, гилос, олхўри каби меваларнинг банди М8-КЗП машинаси ёрдамида ажратилади.


Мевалар бандини ажратувчи машинанинг (3-расм) ишчи қисмларига резина қобиқ кийдирилган ўқча киради. Иккита бир-бирига қараб ҳаракатланадиган ўқча мева бандини қисиб, узиб олади. Бу машинанинг ишлаб чиқариш унумдорлиги 1,5-2.0т/с.

Шафтоли, нок, беҳи ва олмаларни пўстлоғидан ажратиш учун баъзида кимёвий усулдан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун мевалар 1—3 % гача каустик сода (беҳи учун эса 15—20 % ли) эритмасида 1-2 дақиқа давомида ишлов берилади. Содали эритманинг ҳарорати 90...100^{c}С. Шундан сўнг мевалар тоза сув билан ювилади ва қолган пўстлоғидан ҳам тозаланади.



3-расм. а) мевалар бандини ажратувчи машина; б) унинг ишлаш усули:
1 — маҳсулот кирадиган бункер; *2* — ўқлар; *3* — электродвигател; *4* — тележка.

Майдалаш. Кейинги технологик жараённи осонлаштириш мақсадида, хом-ашёни туйиб, поналаб, тўғраб, босим билан ишлов бериб майдаланади ёки янчилиб, қирғичланади (4-расм).



Туйиш поналаш езиш қирғичлаш

4-расм. Материалларни майдалаш усуллари.

Масалан, меваларни янчиш улардан ажраладиган шарбат миқдорининг анча кўпайишини, бўлаклаш эса ҳар хил йирик меваларга бир хил ўлчам ва шакл берилишини


таъминлайди. Меваларни янчиш ишлаб чиқариш унумдорлиги 8 т/соат бўлган КДН-1М ва ишлаб чиқариш унумдорлиги 6,3т/с бўлган А9-КИС машиналарида бажарилади.

Олма, нок, беҳи ва бошқа йирик мевалар ДДС-5, Р3-ВДР-5 маркали, ишлаб чиқариш унумдорлиги 5т/с бўлган, дискали янчиш машинасида янчилади.

Олмадан шарбат ажратиб олиш учун шнекли пресслардан кенг миқёсда фойдаланилади.Бундай прессларга Р3-ВПШ-5 ва ПНДЯ-4 маркали,ишлаб чиқариш унумдорлиги 5 ва 4 т/соат бўлган шнекли пресслар мисол бўлади.

Шнекли пресслар янчиш қурилмалари билан бир тизимга киритилган бўлиб, уларни оқим тизимларда ўрнатиш осон(5-расм).Қурилмага пресстдан олдин шарбат оқизгичнинг ўрнатилиши ажралиб чиқадиган шарбат миқдорини анча оширади.

Олмани пўстлоғидан тозалаш, дондонидан ажратиш, тилимлаш ва айлана шаклида бўлаклаш учун КЯ-1 маркали олма кесувчи машина, кўпинча эса бу ишларни «Комплекс» машиналар ёрдамида бажарилади.



5-расм. ВДР-5 янчиш қурилмаси ва ВПШ-5 шнекли пресс:

1 — «Ўрдак бўйин» элеватори; *2* — ВДР-5 янчиш қурилмаси**;** *3* — шнекли пресс (а— умумий кўриниш, б—қобиғи олинган ҳолдаги кўриниши); *4* — перфорацияланган цилиндр; 5 — запорли конус; *6* — гидравлик бошқарувчи.

Булардан ташқари, дастлабки ишлов беришга алоҳида турдаги меваларга ишлов бериш ҳам киради. Масалан, бу ишларга олхўрини игналаш, олча ва гилосни данагидан ажратиш ва ҳоказолар киради.

Мева ва сабзавотларга дастлабки ишлов бериш жиҳозларини ишлаш принципи, уларни ростлашни билиш бўйича адабиётлар шарҳи маълумотлари 5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси таълим йўналишида ўқитиладиган мутахассислик фанларининг ўқув машғулотларида (тажриба ишлари, курс лойиҳалари, мустақил ишлар) кенг жорий этилмоқда.

Хулоса

1.Мева ва сабзавотларни консервалашдан олдин уларни ифлосликлардан, истеъмол учун яроқсиз бошқа қўшимчалардан тозалаш маҳсулотлар нобудгарчилигини камайтириш имкониятини беради. Бунинг учун уларни навлаш, саралаш, бир ўлчамга келтириш (калибрлаш), ювиш, тозалаш, майдалаш, пресслаш ва бошқа жараёнлардан ўтказиш керак

2. Мева ва сабзавотларга дастлабки ишлов бериш жиҳозларини ишлаш принципи, уларни ростлашни билиш бўйича адабиётлар шарҳи маълумотлари 5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси таълим йўналишида ўқитиладиган мутахассислик фанларининг ўқув машғулотларида (тажриба ишлари, курс

лойиҳалари, мустақил ишлар) кенг жорий этилмоқда, талабаларнинг назарий билимлари амалиётда кераклигидан қизиқишлари янада ортмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бўриев Х.Ч., Ризаев Р. Мева-узум маҳсулотларини биокимёси ва технологияси. – Т.: Мехнат, 1996.
2. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Мева-сабзавотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. – Т.: Мехнат, 2002.
3. Орипов Р., Сулаймонов И., Умурзоқов Э. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. – Т.: Меҳнат, 1997

УНДИРИЛГАН БУҒДОЙ –ВИТАМИНЛАР МАНБАИ

А.Пўлатов, Л. Мамажонов, С.Атамирзаева, З.Усманов, О.Олимова
Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Ундирилган буғдой донларининг кимёвий таркиби таҳлил қилиниб, аниқланишича, ундиришда фаоллашган ферментлар доннинг заҳира оқсил , ёғ ва углеводларини парчалайди ва инсон организми осон ўзлаштирадиган ҳолатга келтиради; одам организмида эса бу ферментлар ўз фаолиятини давом эттириб, овқат ҳазм бўлишига сарфланадиган энергия тежалишини таьминлайди. Ундирилган буғдой дони сумалак ҳолидами, хом ҳолдами истеьмол қилиниши инсон организмига беқиёс қувват беради .

Калит сўз: *ундирилган буғдой уни,донни кимёвий таркиби,сумалак*

Согласно анализу химического состава пророщенных зёрен пшеницы, ферменты, активированные при проращивании расщепляют белки, жиры и углеводы, запасенных в зерне, и переводит их в легкоусвояемую форму; а в организме человека ферменты продолжая свое действие способствуют экономию затраты энергии для пищеварения. Потребление пророщенного зерна пшеницы и в виде сумаляка, и в сыром виде даст неиссякаемую энергию для человеческого организма.

Ключевые слова: *пророщенное зерно, пшеницы,химический состав зерно,сумаляк*

According to the analysis of the chemical composition of wheat germinated grains, the enzymes activated during germination break down proteins, fats and carbohydrates stored in the grain, and translates them into an easily digestible form; and in the human body, the enzymes continuing their action contribute to saving energy costs for digestion. Consumption of wheat germ in the form of sumalak, and in its raw form, will give inexhaustible energy to the human body.

Keywords: *germinated grain, wheat, chemical composition of grain, sumalak*

Бутун дунё аҳолисининг саломатлиги ва унинг генофондини сақлашда озиқ - овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш инсониятнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Хавфсиз озиқ- овқат деганда инсон организми учун зарарли моддаларсиз ёки уларнинг миқдори белгиланган санитария гигиеник меъёрларда рухсат этилган миқдордан ортиқ бўлмаган ёки умуман бўлмаган овқат маҳсулотларига айтилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунё диетологлари инсон организми учун табиий ва сифатли, юқори энергетик манбаларга, витаминларга, минерал моддаларга бой маҳсулотларни тавсия этмоқдалар.Тўғри, вақтни тежайдиган, тез тайёр бўлувчи “fast food” лар дунё аҳолисининг асосий рационидан ўрин эгаллаб бўлди. Бунга қарамай дунёнинг энг етакчи диетологлари маълум бир шароитларда, белгиланган параметрларни

ҳисобга олиб, ундирилган буғдойни ҳар қандай касалликнинг олдини олиш ва даволаш воситаси сифатида тавсия этмоқдалар .

Тарихий манбалар тасдиклашича, Ўрта Осиёни Ватан тутган , ҳозирги ўзбек, тожик ва форсларнинг аждоди бўлган халқлар уч минг йил аввал ҳам ундирилган буғдойнинг шифобахш озуқавий хусусиятларини билганлари ҳолда Наврўз байрамининг аньанавий шоҳона таоми сифатида сумалак пиширганлар.

Аждодларимизнинг айнан баҳор фаслида буғдой ундириб, сумалак пиширишларининг ўзига хос моҳияти бўлган. Сумалакни айнан “илик узилди” даврида пиширишлари қишдан чиққан, заҳира моддалари тугаган организм учун мўлжалланганидир.

Сумалак пиширилиши жараёнида ундирилган буғдойдаги барча биологик фаол моддалар ўз хусусиятларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиши аниқланган. Бирок, ундирилган буғдой майсалари таркибини таҳлил қилинган манбаларда унда инсон организмига фойда келтириши мумкин бўлган биологик фаол моддаларнинг мавжуд эмаслиги, ундирилган буғдой -спраутс—организмга фақат озуқавий тола манбаи бўлиши мумкинлигини таькидлайдилар.

Аслида, ундирилган буғдой бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ўз тажрибаларини тўғри режалаштирмаганлар. Агар сумалак тайёрлаш технологиясига эьтибор берсак, унган буғдой майсалари эмас, буғдой донида фаоллашган ферментлар таьсирида сутга айланган углеводлар, оқсиллар, ёғлар, биологик фаол моддалар ва минерал элементлар аралашмасидан иборат суюқлик хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Худди мана шу технологик жараён озиқ-овқат саноатида солод тайёрлашда ҳам қўлланилади ва турли ўсимлик донларидан солод тайёрлаш технологик параметрлари стандартлаштирилган.

Ундирилган буғдой дони сумалак ҳолидами, хом ҳолдами истеьмол қилиниши инсон организмига беқиёс қувват беради .

Муртак тирик ҳужайра тўқималаридан ташкил топиб, донтнгн ўсишини таъминлайди. Муртак буғдой дон массасининг 2.5 % ини , сулида 3, гурунчда – 2, маккажўхорида эса 10% ини ташкил қилади. Муртакда доннинг бошқа қисмларига нисбатан кўп миқдорда ёғ, оқсил, қанд, минерал моддалар, витаминлар ва ферментлар бўлади.

Қўйидаги жадвалда бошоқли, дуккакли ва гречиха донларининг кимёвий таркиби келтирилган.

1-жадвал.

Донларнинг номи	**Микдори, % қуруқ модда ҳисобида**						
	Оқсил	**Крахмал**	**Қанд**	**Клет-чатка**	**Гемицел-люлоза**	**Липид-лар**	**Минерал моддалар**
Буғдой	15,0	68,0	2,9	2,2	7,5	2,3	1,9
Жавдар	13,5	63,0	6,0	2,2	9,0	2,0	1,9
Маккажўхори	12,5	65,0	3,5	2,0	7,2	6,0	1,7
Арпа	14,0	57,0	5,0	5,5	10,0	3,0	3,0
Сўли	15,0	45,0	2,5	12,0	12,5	6,0	4,0
Тариқ	13,0	58,0	1,3	11,0	6,0	4,5	3,7
Гречиха	13,0	59,0	2,0	12,5	8,0	2,7	2,4
Горох	28,5	48,0	4,0	5,5	7,0	2,0	3,5
Соя	43,0	-	13,5	5,0	10,0	21,0	4,6

Ундиришда фаоллашган ферментлар доннинг заҳира оқсил, ёғ ва углеводларини парчалайди ва инсон организми осон ўзлаштирадиган ҳолатга келтиради; одам организмида

эса бу ферментлар ўз фаолиятини давом эттириб, овқат ҳазм бўлишига сарфланадиган энергия тежалишини таьминлайди.

Биз олиб борган тадқиқотларга кўра ундирилган буғдой дони (солод) болалар, кексалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғилланувчилар, саломатликлари заифлашган кишиларга бағоят фойдали таьсир кучига эга. Ўз таркибида бўлган витаминлар, микроэлементлардан иборат фойдали моддалар жамланмасидан ташқари ҳар бир турдаги дондан тайёрланган солод фақат ўзига хос соғломлаштирувчи таьсирга ҳам эга.

Улардан айримларининг таркибини солиштириб кўришимиз мумкин.

Ундирилган буғдой таркиби:

Оқсиллар—26%, ёғлар—10%, углеводлар—34% дан иборат бўлиб организм томонидан осон ўзлаштирилади.

100г ундирилган донда: калий- 850мг, кальций- 70мг, фосфор- 1100мг, магний- 400мг, темир- 10мг, рух- 20мг; Витаминлар: B1-2мг, B2- 0.7мг, B3- 4.5мг, B6- 3.0мг, E- 21,0 ва фолий кислота- 0,35мг.

Витамин С ундирилиш жараёнида 1,7мг дан 10,6мг гача ортади. Антиоксидантлар ундиришнинг 5-куни 11.5 марта ортиб, 275мгни ташкил этади.

Ундирилган сули таркиби:

Оқсил (9-20%), ёғлар(11%), углеводлар(40%) ва В гуруҳ витаминларнинг энг мақбул мутаносиблиги билан бошқа донлардан ажралиб туради.

Сули таркибида эрувчан клетчатка, Е, К витаминлари кўп бўлиб, кальций, темир, магний, олтингугурт, кремний, хром, рух, фтор ва йод манбаи ҳисобланади.



1-расм. Ундирилган буғдойдан анъанавий сумалак тайёрлашнинг технологик схемаси

С витамин миқдори 0.88дан 23.71га ортади, антиоксидантлар миқдори эса 9.8 марта ортиб, 5-куни 334мг ни ташкил этади.

Ундирилган сули ўраб олувчи, ўт ҳайдовчи, токсинларни олиб чиқувчи хусусиятларга эга. Ундан витаминлар етишмовчилиги, ошқозон – ичак йўлининг сурункали касалликлари, камқонлик, асаб тизими чарчаши, қандли диабет, касалликдан сўнг қувватни тиклашда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, арпа, гречиха, соя, қовоқ, кунгабоқар, зиғир, қора буғдой, кунжут донлари ундирилиб, уларнинг таркиби ўрганиб чиқилган.

Сумалак анъанавий рецептура асосида тайёрланадиган мавсумий Наврўз тантанаси таоми бўлибгина қолмасдан, ҳозирги пайтда замонавий технологиялар асосида тайёрланган “Сумалак консерваси” хам дўконлар пештахталаридан ўрин олиб бормоқда. Анъанавий сумалак рецептураси қўйидагича: 1кг буғдой, 0.5 л пахта ёғи, 4 кг II навли ун.

Илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, сумалак рецептурасига буғдойдан ташқари бошқа турли донларни қўшилиши бу қувватбахш, шоҳона таомнинг айрим касалликларни даволаш хусусиятини оширишини кўрсатмоқда.

Хулоса. Сумалак тайёрлашнинг технологик жараёни буғдой донини олиб келиш,саралаш, совуқ сувда ювиш, совуқ сувда дон ботадиган даражада ивитиш, 1 сутка давомида ивиган донларни тахта сўкичакларга ёйиб 3 кун давомида етилтириш, даврий равишда сув пуркаб туриш, гўшт қиймалагич ёрдамида майдалаш, 2 қават дока орқали буғдой дони шарбатини фильтрлаш, дошқозонда пишириш, димлаш, стерилланган шиша таpаларга қадоқлаш, герметик ёпиш ва совутиш босқичларидан иборат. Бу жараённи 1-расмдаги схематик кўринишда ифодалаш мумкин. Келгуси баҳор мавсуми учун режаларимиз доривор сумалаклар рецептураларини ишлаб чиқиш ва уни амалда синаб кўришдан иборат.

Фойдаланиланган адабиётлар рўйхати

1. Нормахматов.Р. Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги.Тошкент, “Шарқ” нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси.2002 й.
2. Нормахматов.Р. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси.Тошкент, “Шарқ” нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси.2008 й.- 303 б.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ПО СУШКЕ ОВОЩЕЙ

Т.Л.Худайбердиев, М.Мелибоев
Наманганский инженерно-технологический институт

В статье исследуются изучение режимов ИК энергоподвода в процессе сушки овощей. Рассмотрено процессы сушки с ИК энергоподводом при импульсно-прерывном режиме сушки с понижением уровня подачи энергии в каждом последующем цикле, с постоянным уровнем энергоподвода, а также с повышением уровня энергоподвода. Анализировали, изменение содержание витамина-С овощей.

***Ключевые слова**: сушка, овощи, картофель, морковь, лук, режимы, температура.*

Maqolada sabzavotlarni quritish jarayonida infraqizil nurlardan foydalanib quritish rejimlari ilmiy o’rganilgan. Infraqizil nurlar yordamida quritishda energiyani uzatish darajasini pasaytirish va ko’paytirish o’rganib chiqilgan. Sabzavotlar tarkibidagi vitamin C ning o’zgarishi taxlil qilingan.

***Kalit so’zlar**: quritish, sabzavotlar, kartoshka, sabzi, piyoz, rejimlar, xarorat.*

The article discusses drying condition using infrared lights for drying vegetables. Using the infrared drying has been studied to reduce and increase the rate of energy transfer. Was analyred the variation of vitamin C followed by vegetables.

***Key words**: drying, vegetable, potatoe, carrot, onion, regimes, temperature*

Обезвоженные плоды (содержание влаги 25 % в зависимости от вида), овощи (14%) и картофель (1 2 %) —достаточно стойкие и малоемкие при хранении продукты, удобные для транспортирования. Многие из них используют в кулинарии и при производстве пищевых концентратов. Они обладают высокой питательной ценностью, однако содержат меньше витамина С.

Так как продукты этой группы содержат большое количество воды, клетчатки и покрытых воском покровов, сушка их — сложный процесс. Удалять 70—80 % влаги трудно и потому, что высушиваемые объекты не имеют пористой структуры, а при сушке на поверхности быстро образуется студенистая пленка. Кроме того, в процессе сушки существенно изменяется химический состав продуктов, и в том числе образуются темноокрашенные соединения в результате окислительных реакций. В последние годы осуществляется ряд мероприятий по созданию добавочной стоимости путём организации переработки сельхозпродукции и достигается высокая экономическая эффективность за счёт применения новых технологий. В течение последних 5 лет производство плодоовощной продукции выросло в 1,7 раз в 2014 году составила 12,32 *млн.т.* В том числе 1,724 *млн.т* или 14% продукции переработано.

В данной работе мы рассмотривали изменение влаги, активности воды, витамина при сушки овощей




Рис. 1. Зависимость остаточного содержания витамина С в картофеле от режима импульсно-прерывного ИК-энергоподвода и времени сушки.




Рис. 2. Зависимость содержания витамина С в моркови от режима импульсно-прерывного ИК-энерго подвода и времени сушки.

На рис.1 изображены экспериментальные кривые изменения влажности образца картофеля при температурах 50, 60 и 70^{0}С, основным показателем, определяющим продолжительность и температуру сушки, является активность воды, снижение которой до значений 0,3 и ниже свидетельствует о минимизации количества влаги (рис.2). Для тех же условий получены кривые изменения влажности и активности воды моркови и лука репчатого.

Установлено также, что увеличение доли осмотически связанной влаги в образце, ограничивает продолжительность периода сушки с постоянной высокой скоростью. Таким образом, использование вакуумной инфракрасной сушки позволяет сократить продолжительность процесса. Образцы овощей, высушенных в условиях вакуумной инфракрасной сушки, превосходят по качеству аналогичные изделия, подвергнутые конвективной сушке.

При импульсно-прерывном режиме сушки с понижением уровня подачи энергии в каждом последующем цикле установлено, что содержание витамина С у картофеля, моркови а также лука репчатого составляет соответственно 63,5; 30,26 и 49,74 *мг,* сахара 52,5; 52,5 и 72,5% при необходимой остаточной влажности 9,88; 13,86 и 13,51%. Другие два режима ИК-энергоподвода при сушке картофеля, моркови и лука репчатого до влажности 10-14% потребуют больше времени: с постоянным уровнем энергоподвода - 185 *мин* - содержание витамина С - 43,5; 22,8 и 38,1 *мг%,*

сахаров - 45,2; 45,2 и 65,2%; с повышением уровня энергоподвода - 185 *мин* - содержание витамина С - 38,5; 20,8 и 40,3 мг%, сахаров - 46,1; 47,6 и 67,6 %.




Рис. 3. Зависимость содержания витамина С в луке репчатом от режима импульсно-прерывного ИК-энергоподвода и времени сушки.

Таблица 1

Результаты экспериментальных исследований по сушке овощей при импульсно-прерывном ИК-энергоподводе

Вид овощей	Вид эксперимента	Начальная влажность Wн, %	Конечная влажность Wк, %	Содержание витамина С в сухом веществе, мг,	Содержание сахара, %	Удельный расход энергии, *кВтч/кг*
Картофель	с постоянным уровнем энергоподвода	77,3	11,8	43,5	45,2	1,3
	с понижением уровня энергоподвода	77,3	9,88	63,5	52,5	1,2
	с повышением уровня энергоподвода	77,3	9,8	38,5	46,1	1,5
Морковь	с постоянным уровнем энергоподвода	88,4	13,4	22,8	45,2	1,3
	с понижением уровня энергоподвода	88,4	13,86	30,26	52,5	1,2
	с повышением уровня энергоподвода	88,4	12,9	20,8	47,6	1,5
Лук репчатый	с постоянным уровнем энергоподвода	90,3	14	38,1	65,2	1,3
	с понижением уровня энергоподвода	90,3	13,51	49,74	72,5	1,2
	с повышением уровня энергоподвода	90,3	12,4	40,3	67,6	1,5

Выводы. Анализ кривых сушки овощей в сопоставимых условиях подтверждает, что наибольшую эффективность имеет импульсно-прерывный режим с понижением уровня энергоподвода в каждом последующем цикле. При съеме влаги картофеля с W_1-77,3 % до W_2 -9,88 %, моркови с W_1-88,4 % до W_2 -13,86 %, а лука репчатого с W_1-90,3 % до W_2 -13,51 %, время процесса укладывается в 120-180 *мин.*

Показано, что быстрое удаление влаги макро- и микрокапилляров и большей части адсорбционной влаги влияет на органолептические свойства высушенного образца. Сравнены положительные и отрицательные эффекты сушки при температурах 50, 60, 70^{0}С и установлено, что ухудшаются механические свойства и органолептические показатели высушенного материала.

Список использованной литературы

1. Широков.Я.П. Практикум по хранения ы переработки продукци растениеводства соснавамы стандартизаци. –М.: Агропромиздат, 2000.
2. Широков.Я.П. Практикум по хранения ы переработки плодов ы овошей. – М.: Колос, 1989.

НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Х.М.Қаноатов, О.Т.Маллабоев, З.М.Турдалиева
Наманган муҳандислик-технология институти

Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, нон ва тешиккулча маҳсулотлари янги навларини тайёрлаш рецептуралари ва технологиясини яратиш, буғдой иккиламчи хом ашёси таркибидаги оқсил ва ёғнинг юқори миқдори ҳисобига хамирнинг реологик хусусиятларини яхшилаш, нон ва нон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари, озуқавий ва биологик қийматларини оширади.
Таянч сўзлар: Маҳаллий хом ашёлар, нон, тешиккулча, буғдой муртаги, рецептура, хамир, иккиламчи хом ашё, ачитқи.

Благодаря использованию местного сырья рецептура и технология приготовления новых сортов хлеба и хлебобулочных изделий позволят улучшить реологические свойства теста из-за высокого содержания белка и жира во вторичном пшеничном сырье и улучшить качественные характеристики, пищевую и биологическую ценность хлеба и хлебобулочных изделий.
Ключевые слова: Местное сырье, хлеб, бублик, зародыши пшеницы, рецепт, тесто, вторичное сырье, дрожжи.

Due to the use of local raw materials, the recipe and technology of preparing new varieties of bread and bakery products will improve the rheological properties of dough due to the high protein and fat content in secondary wheat raw materials and improve the quality characteristics, nutritional and biological value of bread and bakery products.
Keywords: Local raw materials, bread, bagel, wheat germ, recipe, dough, secondary raw materials, yeast.

Юқори озиқлиқ қиймати, аъло даражадаги таъми, кўнгилга тегмаслиги, яхши ҳазм бўлиши, тайёрлашнинг осонлиги, сақлаш шароитларининг оддийлиги ва турғунлиги билан нон махсулотлари ер юзидаги инсонларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулоти, баъзи давлатларда эса овқатланиш рационида биринчи ўриндаги маҳсулот ҳисобланади.

Иссиқ, хушбўй, юмшоқ ва ширин тамли нонни истеъмол қилиш инсонга ором бағишлайди. Шунинг учун XX аср олимларидан бири «яхши пишган буғдой нонининг бир бўлаги, инсон ақлининг буюк кашфиётларидан бирини ташкил қилади» деган экан. [7]

Инсон томонидан бижғитилган хамирдан нон тайёрлашнинг ихтиро қилинишидан бошлаб нонвойлик ривожланган. Кўп асрлар давомида нон уй шароитида тайёрлаб келинган. Катта шаҳарларнинг аҳолисини, ҳарбий қўшинни ва бошқаларни нон билан таъминлашга зарурат, нонвойлик саноатининг ривожланишига олиб келди.

Ҳаммага маълумки, янги пишган нонда унинг барча хусусиятлари: юмшоқлик, таъми ва ёқимли ҳиди яққол кўриниб туради. Бундай нон иштаҳа билан ейилади, овқат ҳазм қилишда ошқозон шираси таъсирига тез учрайди ва яхши ҳазм бўлади.[2]

Нон маҳсулотларининг бер неча юз турлари ва навлари мавжуд. Уларнинг орасида тешиккулча маҳсулотлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу маҳсулотлар ўзининг хуштаъмлиги ва кўркамлиги туфайли кенг тарқалган бўлиб, турли навлари ишлаб чиқарилади. Афсуски, охирги йилларда уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва навлари кескин камайиб бормоқда.

Шунинг учун ишимизнинг мақсади маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, нон ва тешиккулча маҳсулотлари янги навларини тайёрлаш рецептуралари ва технологиясини яратиш ва замонавий кичик корхоналарда жорий қилишдан иборат эди.

Лаборатория шароитида ўтказилган дастлабки тажрибалар асосида янги бублик навини ишлаб чиқиш маъқул топилди. Чунки бублик ўзининг хоссалари бўйича булка маҳсулотларига яқинроқ бўлиб унинг намлиги 25 % ни ташкил қилади. Бубликлар хамирининг намлиги 32-36 % ни ташкил қилади ҳамда баранкалар ва сушкалар хамирининг намлигидан анча юқорироқдир.

Тешиккулча маҳсулотлари хамирининг намлиги нон маҳсулотлари хамириникидан паст бўлганлиги учун қаттиқ хамирни қориш учун мўлжалланган хамир қориш машиналари қўлланилади. Лаборатория шароитида хамир қориш қўлда бажарилади, шунинг учун хамирининг намлиги юқорироқ бўлган янги бублик маҳсулоти мисолида татқиқотларни бажариш режалаштирилди.

Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики тешиккулча маҳсулотларини тайёрлаш рецептураларида асосий хом ашё – ун, ачитқи ва туздан ташқари қўшимча хом ашёлар сифатида – шакар, турли ёғлар, сут, сут зардоби, кўкнор уруғи, зираворлар киради. Шундай экан, тешиккулча маҳсулотлари тайёрлашда маҳаллий хом ашё - буғдой муртаги маҳсулотини ишлатиб, уларнинг таъмини яхшилаш, озиқавий ва биологик қийматини ошириш мумкин.[4]

Охирги йилларда бажарилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики ёғли уруғларни (хусусан озиқ-овқат саноатининг ёғли чиқиндиларини) турли нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда самарали ишлатиш мумкин. Бу маҳсулотлар таркибидаги эрувчан азот моддалари, минерал моддалар, липидлар, витаминлар, озиқавий тўқималар нон маҳсулотларининг биологик ва парҳезбоп хусусиятларини оширилишини таъминлайди. Бундан ташқари бу моддалар спирт ва сут кислота ҳосил қилувчи ачитқи ва бактериялар учун энг керакли моддаларнинг манбаидир.

Шунинг учун бу хом ашёлардаги моддалар хамирни ғоваклашини яхшилаш, унинг етилишини тезлаштириш, тайёр маҳсулотларда хуштаъм ва хушбўй моддалар микдорини ошириш ҳамда нон қобиғи рангини тўқлаштиришга ҳам олиб келиши мумкин. [1]

Буғдой муртаги маҳсулотининг хамир хоссалари ва тайёр маҳсулот сифатига таъсирини ўрганиш учун биринчи навли буғдой унидан “Украинча бублик” («Бублики Украинские») рецептурасига асосланган ҳолда тайёрланадиган бублик назорат намунаси сифатида қабул қилинди.

Хамир тайёрлашнинг опарали усули қўлланилди. Назорат ва тажрибавий намунадаги бубликлар тайёрлашнинг рецептуралари 14,5 % намликка эга 400 г ундан маҳсулотни тайёрлаш кўзда тутилган.

Опара тайёрлаш учун сувнинг миқдори ун ва прессланган ачитқининг ўртача ўлчанма намликлари ҳамда опаранинг 39,5 % га тенг бўлган намлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш йўли билан аниқланди.

Хамир тайёрлаш учун сувнинг миқдори хом ашёлар ва опаранинг ўртача ўлчанма намликлари ва хамирнинг 34 % га тенг бўлган намлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш йўли билан аниқланди.

Назорат ва тажрибавий (буғдой муртаги маҳсулоти қўшилган) бублик намуналарининг рецептураси ва ишлаб чиқариш режими

Хом ашё ва технологик параметрлар	Хом ашё сарфи, г				
	Опара учун	Назорат бублик намунаси (қўшим-часиз) хамири учун	Тажрибавий бублик намуналари хамири учун (ун массасига нисбатан қўшилган)		
			5% буғдой муртаги маҳсулоти	10% буғдой муртаги маҳсулоти	15% буғдой муртаги маҳсуло-ти
Биринчи навли буғдой уни	100,0	300,0	300,0	300,0	300,0
Нонвойлик прессланган ачитқи	6,0	-	-	-	-
Опара	-	146	146	146	146
Сув	40	Ҳисоб йўли билан аниқланади			
Ош тузи	-	6,0	6,0	6,0	6,0
Шакар	-	48	44,5	41,6	38,1
Маргарин	-	32,0	30	28	26,0
Буғдой муртаги маҳсулоти	-	-	20	40	60
Намлиги, %	39,5	34,0	34,0	34,0	34,0
Бошланғич ҳарорати, °С	29	32	32	32	32
Бижғишнинг давомийлиги, соат	4,00	-	-	-	-
Охирги кислоталилиги, град	4,0	2,8	3,2	3,5	3,8

Тиндиришдан кейин хамир ўқлов ёрдамида қатлам шаклигача ёйилди. Қатлам қатланди ва 90 градусга айлантириб яна ёйилди. Қатлаш ва ёйиш 4 марта такрорланди. Бу жараён хамирни бир текис консистенциясини таъминлаш учун амалга оширилди. Шундан кейин хамир ўралди ва 30 минут тиндириш учун қолдирилди.

Хамирга бублик шакли бериш қуйидагича амалга оширилди. Хамир ўқлов билан қатлам шаклигача ёйилди.

Пичоқ билан хамир қатлами эни 6-8 см га, массаси 115 г. га тенг тасмаларга кесилди. Тасмаларга тоблаш йўли билан диаметри 3 см бўлган бовлиқ шакли берилди. Бовлиқга ҳалқа шакли берилиб, учлари бир бирига ёпиштирилди, қалинлигини текислаш ва юзасини силлиқлаш учун айлантирилди.

Хамир зувалалари тунука тахталарига терилиб тиндириш учун термостатга жойланди. Термостатда ҳавонинг ҳарорати 35-40°С ва нисбий намлиги 80-85 % ни ташкил қилди. Тиндириш 90 минут давом этди.

Тиндиришдан сўнг хамир зувалаларига қайноқ сув билан ишлов бериш қайноқ сувли қозонда (қозондаги сув ҳарорати 92 – 98ºС) амалга оширилди. Бублик юзасини қизартириш учун қайноқ сувга бироз патока қўшилди. Ишлов бериш 30 секунд давом этди.

Сувда қайнатилган зувалалар электр шкафнинг очилган ҳолдаги иссиқ эшикчасида 2–3 минут давомида қуритилди. Зувалалар тахланган тунука листлар печга қўйилди.

Электрошкафнинг пишириш камерасидаги 230-240°С ҳароратида пиширишнинг давомийлиги 18 минутни ташкил қилди.

Тайёр маҳсулотнинг сифати пиширишдан кейин 16 соат ўтгандан сўнг аниқланди.

Бублик хамири тайёрлашда ун массига нисбатан турли миқдорларда қўшимчалар қўшилганда маҳсулотнинг энг юқори сифати 10 % буғдой муртаги маҳсулоти ишлатилганда кузатилади.
Қўшиладиган буғдой муртаги маҳсулотининг 5 % миқдори бублик сифатига ва унинг озиқавийлик қийматига кескин таъсир этмайди.

Буғдой муртаги маҳсулотининг 5 % миқдорда рецептурага киритилиши бублик мағзининг оч-сариқ рангини таъминлайди, маҳсулотнинг бўкувчанлиги хуштаъмлиги, хушбўйлиги ва ғоваклилигини оширади. Бубликнинг назорат (қўшимчасиз) намунага нисбатан солиштирма ҳажми 12 % га ва унинг сифати барча кўрсаткичлар бўйича 10 баллга ортиши кузатилди.

Бубликлар сифатига буғдой муртаги маҳсулоти қўшилишининг таъсири

№	Бублик намунаси	Бубликнинг сифат кўрсаткичлари					
		Намлиги, %	Кислоталилиги, град	Солиштирма ҳажми, см3/100 г	Бўкувчанлиги	Мағиз ранги	Сифатининг баллик баҳоси
	Назорат бублик намунаси, (қўшимчасиз)	26	2,6	140	2	очиқ оқ	76
Тажриба бублик намуналари, (ун массасига нисбатан қўшилган:							
	5% БММ	26	2,8	148	2,1	оч сарғиш тусли	78
	10% БММ	26	3,2	157	2,3	сарғиш тусли	86
	15% БММ	26	3,6	154	2,2	сарғиш тусли	82

Буғдой муртаги маҳсулотининг 5 % миқдорда рецептурага киритилиши бублик мағзининг оч-сарғиш рангини таъминлайди, маҳсулотнинг бўкувчанлиги хуштаъмлиги, хушбўйлиги ва ғоваклилигини оширади. Бубликнинг назорат (қўшимчасиз) намунага нисбатан солиштирма ҳажми 12 % га ва унинг сифати барча кўрсаткичлар бўйича 10 баллга ортиши кузатилди.

Буғдой муртаги маҳсулотининг миқдорини 10 % га етказиш бублик сифатига ижобий таъсир этади ва унинг озиқавийлик қийматини оширади ҳамда таъмини яхшилайди. Буғдой муртаги маҳсулоти миқдорининг 15% га етказилиши эса бубликнинг озиқавийлик қийматини кескин оширишига қарамай, унинг сифати янада ошмайди, балки бирмунча пасаяди. Бунда бубликларнинг кислоталилиги меъёрдан (3,5 граддан) ошади.

Буғдой муртаги маҳсулотининг бублик сифатига ижобий таъсирини қуйидагилар билан тушунтириш мумкин:

- буғдой муртаги маҳсулоти таркибидаги енгил ўзлаштириладиган углеводлар, эрувчан азот ва минерал моддалар ҳамда витаминлар ачитқилар ва сут кислотали бижғиш бактериялари ҳужайраларида алмашинув жараёнларини жадаллаштирилишига, ҳужайраларнинг кўпайишига ижобий таъсир қилади. Шу туфайли хамирнинг бижғиши ва зувалаларнинг тиндирилишида газ ажралиши, таъм ва хушбўйлик берувчи моддаларнинг миқдори ортади. Бунинг натижасида маҳсулотнинг ҳажми ва ғоваклиги ошади, унинг таъми ва ҳиди яхшиланади;

- буғдой муртаги маҳсулотининг ишлатилиши хамирнинг структуравий-механик хоссаларини яхшилайди, улардаги озиқавий толалар эркин сувни бириктириб хамирнинг ёпишқоқлигини пасайтириди, ёғлар билан биргаликда пластиклигини оширади, бу эса хамирнинг машиналарда ишлов беришини енгиллаштиради;

- каротиноид моддалари маҳсулотнинг сарғиш-тилла ранглилигини таъминлайди, ғоваклилигини оширади, структуравий-механик хоссаларини яхшилайди, озиқавий толалар тайёр маҳсулотнинг бўкувчанлигини орттиради;

- буғдой муртаги маҳсулоти оқсиллар, минерал моддалар ва витаминларга, ундаги ёғлар таркиби эса ω-3 гуруҳига мансуб тўйинмаган ёғ кислоталарига бой бўлганлиги туфайли, бубликнинг озиқавий қийматини оширади.

Лабораторияда ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, фақатгина ун массасига нисбатан 10 % буғдой муртаги маҳсулоти қўшилган бубликлар тайёрланди.

Назорат бублик намунаси тайёрлашда тасдиқланган рецептурага асосланди. Тажриба бублик намунасини тайёрлашда ун массасига нисбатан 10% буғдой муртаги маҳсулоти ишлатилди. Буғдой муртаги маҳсулотида 10,2% ёғ мавжудлигини назарда тутган ҳолда тажрибавий бублик намунаси рецептурасига назорат намунаси рецептурасидаги 8 % маргарин 1% га камайтирилди. Буғдой муртаги маҳсулоти таркибида тахминан 17 % қандлар мавжудлигини кўзда тутиб шакарнинг миқдори ун массасига нисбатан 12 % дан 10,3 % гача камайтирилди.

Ишни бажаришда ўрта нонвойлик хоссаларига эга биринчи навли буғдой уни ишлатилди.

Совутилган бубликларнинг сифати пиширишдан 6 соатдан кейин текширилди. Маҳсулотларнинг ҳажми, намлиги, кислоталилиги, бўкувчанлиги аниқланди, сифати эса 100-баллик тизим бўйича баҳоланди.

Текширишлар натижалари 19 - жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар қуйидагилардан далолат беради:

- ишлаб чиқаришда тайёрланган бубликларнинг сифати лаборатория шароитида тайёрланган маҳсулотларга кўра сезиларли фарқ қилмайди. Демак, ишлаб чиқариш синови лаборатория шароитида олинган тадқиқот натижаларини тасдиқлайди, яъни ун массасига нисбатан буғдой муртаги

Ишлаб чиқариш синовининг натижалари

№	Бублик намунаси	Бубликнинг сифат кўрсаткичлари					
		Намлиги, %	Кислоталилиги, град	Солиштирма ҳажми, см3/100 г	Бўкувчанлиги	Мағиз ранги	Сифатининг баллик баҳоси
	Назорат бублик намунаси, (қўшимчасиз)	25	2,8	140	2	Оқ	78
	Тажриба намунаси, ун массасига нисбатан 10% БММ қўшилган)	26	3,2	157	2,3	Сарғиш тусли	86

маҳсулотининг 10 % миқдорда қўшилиши бубликлар сифатини сезиларли даражада яхшилайди ва озиқавийлик қийматини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бегеулов М.Ш. Рационализация питания человека путем расширения ассортимента хлебобулочных изделий. //Хлебопечение России. –2002. –№ 2. –С.24-25
2. Дубцов Г.Г. Производство национальных хлебных изделий. –М.: Агропромиздат. –1991. 141 с.
3. Косован А.П. Стратегия развития хлебопекарной промышленности для обеспечения продовольственной безопасности России //Хлебопечение России. 2002. № 5. С. 2-3
4. Аурмен Л.Я. Технология хлебо пекарного производства. – М.: Пищевая промышленность, 1992 г. – 312 с.
5. Васиев М.Г., Васиева М.А., Мирзаев Ж.Д. Нон, макарон ва қандолат махсулотлари ишлаб чикаришда кулланиладиган хом ашё ва материаллар. –Тошкент: «Мехнат». –2002. –192 б.
6. Пищевые добавки для повышения качества хлеба и удлинения сроков хранения. Р.Д.Поландова, Ф.М.Кветный, А.Н.Стребыкина, Р.К.Еркинбаева, О.Ю.Тифанюк. //Хлебопечение России. –2002. –№ 1. –С. 20-21.
7. Атаханов Ш, Хожиев Р, Норинбоев Б. Новвойчилик технологияси –Т.: Арнапринт, 2006 й. 163 бет

КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ХИМИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

ИЗУЧЕНИЕ РАСТВОРИМОСТИ И РЕОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ РАСТВОРОВ В СИСТЕМЕ МОНОКАРБАМИДОХЛОРАТА НАТРИЯ - АММОНИЯ ЛИМОННОКИСЛОГО - ВОДА

Г.У.Махмудова[1], А.С.Тогашаров[2], Ж.С.Шукуров[2], Э.С.Тогашаров[3], С.Тухтаев[2]
Ташкентский химико-технологический институт[1]
Институт общей и неорганической химии АН РУз[2]
Наманганский институт инженерных технологий[3]

$NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2$-$C_6H_{14}O_7N_2$-H_2O sistemasining politermik eruvchanligi kuzatuv-politermik usul asosida oltita ichki kesimlar yordamida tadqiq etilgan. Binar sistemalar va ichki kesimlar asosida yuqorida ko'rsatilgan sistemaning politermik eruvchanlik diagrammasi -33,0 dan 70^{0}C gacha harorat oralig'ida qurilgan. Politermik eruvchanlik diagrammada muzning, $CO(NH_2)_2$, $NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2$, $C_6H_{14}O_7N_2$-H_2O va $C_6H_{14}O_7N_2$ kristallanish maydonlari ajratilgan. O'rganilgan sistema oddiy evtonik tipga mansub. Fiziologik faol xususiyatiga ega bo'lgan kompleks ta'sir etuvchi defoliant olishni asoslash uchun [60%$NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2$+40%H_2O]-$C_6H_{14}O_7N_2$ sistemasining «tarkib-xossasi» o'rganilgan. [60%$NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2$+40%H_2O]-$C_6H_{14}O_7N_2$ sistemasi eritmada komponentlarni nisbatiga bog'iq holda, kristallanish harorati, qovushqoqligi, zichligi va pH muhiti aniqlangan.

Калит сўзлар: *eruvchanlik, sistema, diagramma, konsentratsiya, defoliantlar, «tarkib-xossa», kristallanish harorati, qovushqoqlik, zichlik va pH muhit.*

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, қабул қилинган Солиқ концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ миқдори, барча жисмоний шахслар даромадларига 12 фоизлик ягона солиқ ставкаси жорий этилиши орқали пасайтирилди, шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларига йўналтирилади, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий суғурта бадаллари эса бекор қилинди.

Республикамиз Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига кўра ишлаб чиқилган солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилди ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда жуда кўп баҳслар ва тортишувлар асосида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу йўналишда қабул қилинган Солиқ концепцияси юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш билан бирга солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш

иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг инвестициявий қобилиятини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қабул қилинган солиқ концепциясининг асосий мақсади солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, қулай рақобат муҳитини яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, солиқ юкламасини камайтириш ҳамда юқорида таъкидлаганимиздек асосий эътиборли жиҳати солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилди. Қулай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкламасини камайтириш, республикамизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг асосий мақсадларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган концепциянинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- иқтисодиётга солиқ юки даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;
- солиқларни ихчамлаштириш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;
- макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;
- солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;
- солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган меъёрлар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси меъёрларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш;
- шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;
- хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;
- солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш;
- фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларини бекор қилиш;
- пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўловни 25 фоиз миқдорида белгилаш, шунингдек, бошқа юридик шахслар учун ушбу тўлов ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтиришдан иборат.

Маълумки, ўтган йилларда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ҳар бир жисмоний шахс олаётган ойлик маошидан ўсиб борувчи ставкада даромад солиғи тўлар эди, яъни, солиқ миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваригача 0 фоиз, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан 5 бараваригача 7,5 фоиз, энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача 16,5 фоиз ҳамда ундан юқориси эса 22,5 фоиз миқдорида қилиб белгиланган эди. Солиқ ҳисоб-китобини амалга ошириш оддий ходимдан тортиб, мазкур солиқни ҳисоблашни амалга оширувчи корхона, ташкилот ва муассаса ҳисобчиларига ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

“Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”га кўра, 2019 йил 1 январдан мамлакатимиз солиқ тизимида қатор муҳим ўзгаришлар юз берди. Қисқача айтганимизда, солиқ юки ва унинг турлари камайтирилди, айримлари бекор қилинди, солиқ тизими эса аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада соддалаштирилди.

Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, кўп йиллар давомида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашни амалга оширувчи ҳисобчиларни қийнаб келган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 4 поғонали ставкалари ўрнига ойлик маош миқдоридан қатъий назар ягона 12 фоизлик ставка жорий этилди. Мазкур ҳисобланган солиқнинг 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига йўналтириш кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати, солиқ тизимидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди.

Юқоридаги ўзгаришларни оддий мисоллар билан ўрганадиган бўлсак, айтайлик, ўқитувчининг ойлик маоши 3000 000 сўм. Ушбу фуқаро ўтган йилдаги солиққа тортиш тартибига кўра, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадалига 2 фоизлик ҳамда даромад солиғининг ўсиб бориш шкаласи бўйича жами 481 230 сўм миқдорида солиқ тўлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига эса олинган даромаддан 8 фоиз, яъни 240 минг сўм мажбурий суғурта бадали тўлар эди. Кўрсаткичларни умумлаштирадиган бўлсак, ўқитувчининг қўлига тегадиган умумий сумма 3 000 000 - 481 230 – 240 000 = 2 278 770 сўмни ташкил этади.

Ушбу йилдан жорий этилаётган янги солиқ ҳисоблаш тартибига асосан, ўқитувчи олаётган даромадидан ягона 12 фоиз, яъни, – 360 000 сўм даромад солиғи тўлайди. Демак, ўқитувчининг қўлига тегадиган умумий сумма – 3 000 000 – 360 000 = 2 640 000 сўм. Юқорида таъкидлаганимиздек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига олинадиган 8 фоизли мажбурий суғурта бадали эса бекор қилинди.

Энди эса оддий арифметика асосида ўртадаги фарқни ҳисоблаб кўришимиз мумкин – 2 640 000 – 2 278 770 = 361 230 сўм, яъни, даромад солиғининг ягона ставкаси жорий этилиши ва суғурта бадалининг бекор қилиниши ҳисобига ўқитувчи даромад солиғини 361 230 сўм миқдорида камроқ тўлаяпти. Бундан маълумки, унинг даромад миқдори шунчага ортиши кутилмоқда. Агар мазкур кўрсаткични бир йилга кўпайтирсак, унининг йиллик даромади миқдори сезиларли даражада ортаётганлигини оддий ҳисоб-китоблардан кўришимиз мумкин.

Қабул қилинган Солиқ концецияси солиқ юкини камайтириш, солиқ солишни соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимини бирхиллаштириш тизимини жорий этиш орқали эса солиқ ҳисоб-китобларини осонлаштириш билан бирга ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Адолат”, 2017 й.

2.“Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4086-сонли қарори. Тошкент. 2018 й.
3.“Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 2018 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Тошкент, 2018 й.
5. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Тошкент. 2017 й.
6.Vahobov A., Jo'rayev A. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. –T.: “Sharq”, 2009 й.
7.Jo'raev A., Usmanova M. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. O'quv qo'llanma. – T.: “Sano-standart” nashriyoti, 2015 й.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БОШ КИЙИМЛАРИ НАҚШЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

У.Г.Бахромов, Д.Ғ.Вахобова
Наманган муҳандислик – техналогия институти

Дўппилар ўзбек миллий либосларининг ажралмас бўлагидир ва шу билан бирга миллий санътнинг ҳақиқий асаридир. Улар қулай, фойдали ва чиройлидир. Дўппиларнинг хилма-хиллиги-қуббасимон, тўртбурчак, думалоқ, гумбазсимон шакллари, уларга тикилган кашталарининг безаклари бойлиги билан баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельефли, баъзан гиламга ўхшаш тус олиши, одми оқ-қорадан тортиб камалаксимон жилоланишигача рангларниниг анвойи товланиши-ўзбек бош кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади.

Калит сўзлар: *дўппи, нақш, бош кийими, жилоланиш, санъат, бахмал, релъеф, тус.*

Тюбетейки-неотъмлемая часть узбекского национального костюма и вместе с тем истинное произведение национального искусства. Они удобны, практичны и красивы. Разнообразие форм тюбетеек-конических, четырехгранных, круглых, купольных, богаство отделки вышивкой, создающей то ажурную, то крупно рельфную, то ковровую фактуру, цветовое разнообразие-от лаконичных черно-белых до ярких многоцветных-делают узбекиских головные уборы универсальными.

Ключевые слова: *тюбетейки, узоры, головные уборы, ажурный, исскуство, бархат, рельеф.*

Skull-caps are an integral part of Uzbek national attire, and are a veritable work of national art. They are convenient to wear, practical and attractive. The diversity of forms –conic, four-sided, round, cupolar-shaped-skull-caps, richly embroidered, which imparts them with a delicate, large-scale or carpet texture; their variety of colours-from laconic black-white to bright multi-colour-makes Uzbek headwear universal.

Keywords*: skullcaps, patterns, headdresses, openwork, art, velvet, relief.*

Қадим даврлардан бош кийимга қараб ўзбекларнинг этник ва лоақал гуруҳлари фарқ қилинган. Эркаклар бошига асосан турли хилдаги дўппи кийган, аёллар эса кўпгина ранг-баранг рўмол ёпинган. Дўппининг даставвал тагини ва гардишини айрим холда тикиб кашталаганлар ва майда қавалаб қўшиб тикканлар. Одатда, дўппи нозик гулли, қадаб тикилади, айрим аёлларнинг дўпписига майда мунчоқ, маржонлар, хоразмликларда жияк ва попук тақилади.[1] Ҳар бир халқ ўз миллий кийими билан фахрланади. Чунки бу миллий кийимларимизда уст-бошимизда камтаринлик, шарм ҳаё, ор- номус, миллийлик акс этган. Мен шу ўринда Фарғона водийси бош кийимлари нақшланишини тахлили қилиш хақида илмий томондан фикр билдирмоқчиман.

Халқ амалий санъатининг энг оммабоп ва кенг тарқалган турларидан бири бош кийимлар бўлиб, у эркаклар, аёллар ва болалар миллий кийимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. “Дўппи” туркий сўз-тепа маъносини бериб, балки Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг бош кийими ҳисобланади. Дўппини эслатувчи бош кийимларнинг қадим ўтмишда ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи далилларни археологик ёдгорликлар, деворий ёзувлар, терракота ҳайкалчалар, XV-XVI асрларга оид шарқ миниатюраларида кўришимиз мумкин. Панжикент тасвирий санъатида ҳам бир нечта бош кийим тасвирлари сақланиб қолган.1-расм. Мовароуннаҳр (XV-XVII асрлар) ва Самарқанд (XVI асрнинг биринчи ярми) миниатюраларида аёлларнинг турли-туман бош кийимлари учрайди. Қиз болалар ва ёш аёллар гардишли, қавилган думалоқ бахмал дўппиларни афзал кўрганлар.[2]



1-расм **Панжикент тасвирий санъати**

Дастлаб дўппилар конуссимон ва кенг ҳошияли бўлган, уларни салла остидан кийишган. Кейинчалик ўткир учли, конуссимон, яримшарсимон, думалоқ, тўрт қиррали дўппилар тикила бошланди. Дўппиларнинг кенг тарқалгани тўрт қиррали, бир оз конуссимон шаклдагиси ҳисобланади. Ёрқин ранглар билан безатилган дўппилар нақш гулларининг нозиклиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Безакларнинг кўплаб композициялари мавжуд бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтиб, доимий равишда янгиланиб борган. Дўппиларни безатишнинг бой тизими халқнинг маънавий ҳаёти, хулқ-атвори ва поэтик дунёқараши билан узвий боғлиқдир. Ислом динининг тирик мавжудотларни тасвирлашни ман этиши ўз-ўзидан кашталарда аксарият ҳолларда ўсимликлар, гулларнинг тасвирланишига олиб келди. Ўсимликлар тасвири кўпинча ёрқин рангдаги қушчалар тасвири билан жонлантирилган. Қуй шохлари шакли қўшалоқ спирал қатордан иборат бўлиб, жияк ёки ҳошияловчи безак сифатида қатор барглар шаклида учрайди. Бу қадимий шакл кўпгина туркий халқларда тарқалган бўлиб, у бутун борлиқ, доимий ҳаракат тимсоли ҳисобланган. Баъзида бу шакл бир вақтнинг ўзида бир нечта тимсолларни, масалан, қўйнинг буралган шохлари ва бир-биридан тармоқланган жуфт ўсимлик жингалакларини эслатади. Дўппилар орнаментида тўлғаниб турган илон тасвири кенг тарқалган. Буни қадимда илоннинг сеҳрли кучи тўғрисидаги тасаввур ҳамда илонга сиғиниш билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин.

У ёки бу минтақада дўппиларнинг муайян типи яратилишига фақат табиий шарт-шароитлар эмас, балки шу минтақада вужудга келган ва сақланиб қолган анъаналар, хўжалик ва маданият ривожланишининг умумий даражаси ҳам таъсир кўрсатган. Фарғона водийси бош ийимлари нақшланишини тахлили қилганимизда хусусан, Чуст, Андижон, Марғилон, Қўқон шаҳарларида тайёрланган дўппилар келиб чиқишига кўра дастлабки дўппилар ҳисобланади. Тепа қисми тўртбурчак бўлган бу дўппилар тахланганда учбурчак

шаклга келган. Бу дўппиларга улар яратилган шаҳарларнинг номлари қўшиб айтилган: «чус (Чуст) дўппи», «қўқон (Қўқон) нусха», «андижон (Андижон) нусха» . Самарқандда дўппи «қалпоқ», «калапок» деб аталади, бошқа жойларда эса (Тошкент, Фарғона водийси, Хоразм ва ҳ.к.) «дўппи» атамаси кенг тарқалган. Маҳаллий дўппиларнинг 5 та асосий гуруҳи фарқланади: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм. Ҳар бир типнинг айрим турларида жуда аниқ маҳаллий фарқлар сезилиб туришига қарамай, ҳар бир гуруҳ асосида умумий услуб хусусиятлари, нақшнинг умумий шакллари ётади.

Чуст дўпписи нақшланишини тахлил қилганимизда қора таглиги, 4 дона қалампир нусха нақши хамда ёнларида устунчалар борлиги , ён бошининг анча катталиги, нақшларнинг кескинлиги яхлит бодом шаклининг қисқа ва кескин қамралган учлар билан ажралиб туради. Бодом нақши ҳаёт ва унимдорлик рамзи бўлган. Наманган вилояти Чуст туманида яшовчи хунарманд Раъно Хакимова 5-авлод вакили ҳисобланади. У билан сухбатдда қуйидагиларга аниқлик киритилди. “Чуст эркаклар дўппиларига каштадўзликнинг соддалиги ва нозиклиги билан ишлов берилган. Нақшлар қора мато устидан оқ иплар (одатда ипак) билан безатилган яъни иккита оқ ва қора ранг ишлатилади. Мусулмонлар томонидан Чуст дўппиларидаги қалампир нақшлар ёвузликни қайтариш, тўртбурчак эса инсон бошини тўрт томондан химоя қилади деб талқин қилинади. Чуст дўппини пастки нақшлари бойлик ва ҳаётнинг рамзи ҳисобланган”.1 Бу дўппилар Наманган вилояти чеварлари ва уй бекалари томонидан тикилади.

Чуст дўппилари квадрат шаклида бўлиб, у осонгина учбурчак шаклга айланади ва олиб юриш учун қулай . Дўппиларни кундалик ҳаётда шунингдек қайғули кунларда, тўй маросимларида, диний маросимларда, иш кунларида ҳам кийиш мумкин. Бу дўппиларга маҳаллий бозорларда талаб катта, ҳамда чет эл сайёҳларини ҳам бу бош кийимлар жуда қизиқтирмоқда.2-расм



2-расм. **Чуст дўппилари**

Фарғона дўппичилигида “чуст” дўппиларидан кейин, уларга ўхшатма қилиб марғилон дўппилари яратилган. Дўппининг тепа қисми тўрт каржга ажратилиб, ҳар каржига бир дона қалампир нусха тикилиб, асосан қора рангдаги сатин ва ипак матолардан тайёрланади. Марғилон дўппиларининг қалампир нусхаси чуст дўпписиникига нисбатан ингичкароқ ва кашта тикиш усули билан фарқ қилади. Дўппиларнинг гуллари оқ ипак билан тикилиб, гул нақшлари бўртиб туради. Бундай кўринишни ҳосил қилиш учун нақш чизиғи бўйлаб чок остидан йўғонроқ хом ипак (тўшама) тўшалиб тикилади. Намга чидамли қоғоз ёки матодан ингичка тасма қирқилиб, тасма кашта нақши остига жойланади.

Дўппилар “пилтадўзи” усулида тайёрланиб, кизагига қора пахта ва ипак ипдан тайёрланган “чалма” жияклар тикилади.

Марғилон дўппилари, адрас, атлас ва заргарлик буюмлари азалдан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу маҳсулотлар довруғи қадимдан Буюк ипак йўли бўйлаб кенг

тарқалган. Марғилон шаҳридаги “Ёйилма” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Мукаррам Иброҳимова дўппидўзлар сулоласининг бешинчи авлод вакили. Аждодлардан мерос бўлиб келаётган касб сирларини пухта ўзлаштирган Мукаррам опа Марғилон дўпписининг ўнлаб янги нусхаларини яратди. Ҳозирги кунда миллий ҳунармандчилик, жумладан, дўппидўзлик ҳам ривожланди, – дейди Мукаррам Иброҳимова. – Айни пайтда ироқи дўппи, Чуст дўппи, Қўқон дўппи, Марғилон дўппи, гилам дўппилар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам машҳур. Марғилон дўпписининг юзлаб турлари мавжуд. Уларда вилоятнинг ўзига хос табиати, аёлларимизнинг нафис қалби, латофати, орзу-умидлари ифодаланади. 40 дан ортиқ шогирдим дўппидўзлик билан шуғулланади. Айни кунда набираларим билан қизлар учун тикаётган “Гулноз”, “Баҳор”, “Жанон”, “Ёнғоқ нусха”, “Шабнам ” каби дўппи турлари кўпчиликка манзур бўлаётганидан қувонаман.

Марғилон дўппиларида қалампир шакли нозик, ингичка ва майин, уларнинг тагли яхлитлиги яхлит оқ иплардан тикилади. Безагидаги асосий мавзу гуллаётган бута, баъзан унинг шохида турган яшил ёки кўк рангдаги қуш бўлиб бундай дўппилар Фарғонанинг марказий ва ғарбий қисмдаги барча жойларга хос. Фарғона водийсининг “Сандали”, “Аққа икки сўм” ,“Чимбой”, “Сурка-чекма” каби турли хил дўппиларидаги нақшлар соддалиги билан фарқланади.

Қўқоннинг "Оқпар" номдаги турли хил дўппиларига қора мато фонида жуфт бодом шакли ва атрофига тишли жияк тикилади. Эркаклар, ёш болалар ва хотин-қизлар кийишига мўлжалланган қўқон дўппилари ҳам ўзига хос тайёрланиш усули билан ажралиб туради. Кизагининг четига қора рангли ипак ёки пахта ипдан тайёрланган “чалма” жияк қадалади. Дўппилар “пилтадўзи” усулида тайрланиб, тепаси унчалик баланд бўлмаган тўрт томонли, қўл кашта чокининг “хомдўзи”, “чинда хаёл”, “илмоқ” турлари қўлланилади. Дўппиларга “чоргул” композициясида, кашта нусхаларининг “қалампир”, “бодом” турлари тикилади. Кизагига тепасига жойлашган кашта нусхасига ҳамоҳанг равишда “меҳроб”, “арка” ёки сайқалланган гул барглари танланади

Андижонда қизлар кийишига мўлжалланган “оқпар” дўппиларнинг фони асосан оқ рангда, кашта нусхасининг “чоргул” композицияси қўлланилиб, тепа қисми зигзак йўли орқали тўрт таркка ажратилиб тайёрланади.

Ҳар бир таркка бир хил гулғунчалар жойлаштирилади ва баъзан гуллар орасига ёзувлар билан безак берилади. Эркаклар дўпписининг тепа қисмига солинган тўрт дона бодом тасвири кичикрок ҳажмда, кизакларда жойлашган ярим ой шаклларининг баландлиги бир хил бўлмай, чоклар ичига тўшама (қоғоз, ип ва ҳ.к. каби) қўйилмасдан тўлиқ табиий тўлдириб тикилиши билан фарқланади. Андижон дўппиларининг “сетора” ва “инжиқ” нусхалари чокларининг ўта майда ва нафислиги билан характерланиб, бошқа дўппидўзлик мактабларидан фарқланади. Ҳозиргача сақланиб, янада сайқалланиб келаётган “андижон”, “сетора”, “инжиқ”, “қалин”, “шаҳрихон”, “пахтаобод” каби нусхаларни халқ севиб киймоқда. XX асргача услуби ва турларининг кўплиги билан ажралиб турган Тошкент дўппиларининг шаклланиши маълум даражада шаҳар аҳолисининг этник таркибига ҳам боғлиқ эди. Бу ерда турли бадиий услублар, янги техника, янги каштачилик усуллари ишлаб чиқилар ва бу ердан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалар эди. Тошкент дўппиларининг баъзи бирлари «чакматўр» техникаси бўйича тикилган бўлиб, уларнинг асоси катакчаларни ҳосил қилувчи майда нуқталар билан безатилган. Бу нуқталар доимо оқ рангдаги ипак билан тикилган. Дўппининг бу тури шимолий Тожикистон элементларининг (безак, ранглар уйғунлиги, дўппининг тўғри чизиқлар билан тўртта тенг бўлакка бўлиниши) Қўқон ва Тошкент дўппиларида учрайдиган (безакни ўраб турган нуқталар) элементлар билан бирга қўшилиши сифатида 1920 йиллардан кейин пайдо бўлган.

Кейинчалик бу нуқталар бутун тарх бўйича тикилиб, безаклар ўртасидаги ҳамма оралиқ тўрчалар билан тўлдирилган.[3]

«Чаманда гул» безаги кенг тарқалган бўлиб, у гуллари барқ уриб гуллаган бутоқча тасвиридан иборат бўлган, кўпинча унинг шохларида яшил ва кўк қушчалар тасвирланган. 1940 йилларда «қизил гул» деб аталган тошкент дўпписи кенг тарқалди, у «чаманда гул» дўпписи билан умумий услубий белгиларга эга бўлганлиги сабабли ҳам унинг бир тури ҳисобланади. «Қизил гул» дўпписи учун дўппи гардишининг қора рангдаги жияги фонида яққол ажралиб турадиган қуюқ, равшан ва ёрқин мажор колорит хос. Безак композицияси 4 та бир хил қўшалоқ элементдан тузилган бўлиб, дўппи тўрт бўлагининг ҳар биттасида биттадан элемент жойлаштирилади. Безак катталиги бир хил бўлган анча йирик иккита тўпгулдан иборат, улардан бири дўппининг гардишига, иккинчиси эса тубига жойлаштирилади. Битта намунада бир нечта турли чокдан фойдаланилади. Тўпгул баланд қаварик кашта тикиш усулида бажарилади, бунда фойдаланиладиган пахта таглик ҳажмийлик эффектини яратади; тарҳ «канда хаёл» чокининг қаварик юза ҳосил қиладиган тури билан сидирғасига қопланади.

«Қизил гул» дўпписи бадиий жиҳатдан жуда чиройли, ранглари ҳам ёрқин ва ярқироқ бўлиб, малина рангидаги тўпгул баргларининг турли тусдаги яшил ранги ҳамда тўпгулни янада жилолантириб турадиган оч-яшил ёки оппоқ тарҳи билан ажралиб туради. Гардиши тўқ-қора рангдаги бахмал билан айлантириб тикиб чиқилади. XX асрнинг 50-йилларига келиб Тошкентда ишлаб чиқилган ва хоч шаклидаги чок билан тикилган дўппи айниқса оммалашди.

Бу дўппи безагининг асосий элементини ён томонда тасвирланган атиргул бутоғи ташкил этарди. Атиргул одатда тўқ-қизил ипак билан тикилган, тўқ-пушти рангдан ҳам фойдаланилган. Аксарият ҳолларда оқ, баъзан оч-яшил рангдаги тарҳ ҳам сидирғасига тикилади. Тошкент ироқи дўппиларининг илк намуналарида атиргул бирмунча йирик бўлиб, дўппи тепасининг анчагина қисмини эгалларди, кейинчалик кашталарга бошқа мотивлар ҳам киритилди, яъни гул композициясига ипак қурти капалакларини кирита бошладилар ва бу безак «капалак нусха» номини олди. Атиргул билан бир қаторда композициянинг асосий мотиви сифатида дўппи марказида йирик гул — сарғиш-сиёҳрангдаги капалакгул пайдо бўлди. Безак композицияси 4 та бир хил қўшалоқ элементдан тузилтан бўлиб, дўггаи тўрт бўлагининг ҳар биттасида биттадан элемент жойлаштирилади. Безак катталиги бир хил бўлган анча йирик иккита тўпгулдан иборат, улардан бири дўппининг гардишига, иккинчиси эса тубига жойлаштирилади. Битта намунада бир нечта турли чокдан фойдаланилади. Тўпгул баланд қаварик кашта тикиш усулида бажарилади, бунда фойдаланиладиган пахта таглик ҳажмийлик эффектини яратади; тарҳ «канда хаёл» чокининг қаварик юза ҳосил қиладиган тури билан сидирғасига қопланади.

Дўппи тайёрлаш халқ декоратив санъати анъаналарини яхши эгаллаган бўлишни ҳамда юқори маданиятни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу дўппилар одатда малакали рассом-декораторлар томонидан яратилади.

XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона водийсида дўппининг бир нечта турлари мавжуд бўлган. 1940-50 йилларда ироқи нусха дўппилари турли рангдаги ипак билан тикилган бўлиб, уларга гуллар, қушлар ва ҳайвонлар тасвири туширилган. Эркаклар бундай дўппиларни байрам ва тўйларда кийганлар, шунинг учун ҳам уларни

«куёв дўппи», «наврўз гули» деб ҳам аташган.[4] Кейинчалик аёлларнинг оч кумушсимон рангдаги парчадан тикилган тўрт қиррали дўппиларининг янги типи пайдо бўлди, унинг ҳар бир бўлагида гуллаб турган бутоқча тасвири тикилган. Бундай шакл, яъни очиқ фон Фарғона, шунингдек, Тошкент анъаналарига тўғри келади.

Биз ҳозирги кунларда Фарғона водийсининг кўпгина туманларини ўрганиш натижасидада, ҳунардмандлар томонидан баддий буюмлар ишлаб чиқарувчи кўпгина дўппилар ва бошқа бош кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, бу касб билан хусусий тарзда жуда кўп малакали чеварлар шуғилланади. Лекин махаллий шароитда

шакилланган нақшлару чизмалардан фойдаланилмоқда. Дўппи тикиш санъти Фарғона водийси чеварлари, ҳунармандлари, уй бекалари томонидан авлоддан-авлодга асраб-авайлаб келинмоқда. Бизнинг илмий мақоламизнинг асосий мақсади ранг-баранг нақшларга бой дўппилар нафақат ўзбек халқиниг анънавий миллий либоси, халқ санътининг оммвий турларидан бири, балки миллий колоритга ёғрилган замонавай бош кийим сифатида ҳам яшаб қолишини таминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбек халқи этнографияси” И.Жабборов.
2. “Мозийдан садо” Юлдуз Гайбуллаева,
3. “Dekorativ amaliy san’ati badiiy kashtachilik yo’nalish bo’yicha” A.Qodirov -2007.
4. “Фолклор кийимлари ва безаклари” С.Йўлдошева, Г.Саттарова
5. “Ўзбек миллий кийимлари XIX-XX асрлар” Н.Содиқова.

“GEMINI PATTERN EDITOR” MODULIDA TIKUV BUYUMLARINI LOYIHALASH TADQIQI

J.S.Ergashev, J.I.Monnopov, B.Isoqov
Namangan muhandislik-texnologiya institute

Mazkur maqolada tikuvchilik sohasida qo’llaniladigan zamonaviy avtomalashgan tizimlar, Gemini CAD Systems kompaniyasi mahsulotlari, qo’llanishi, yangilanib borayotgan modullari, tikuvchilik korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish, “Gemini Patterm Editor X9” modulli imkoniyatlari, qo’llash, samaradorligi haqida ma’lumotlar keltirilgan.

В статье представлены современные автоматизированные системы, используемые в швейной промышленности, продукты от Gemini CAD Systems, модернизированные модули, повышенная производительность на швейных фабриках, применение и эффективность Gemini Patterm Editor X9.

The article features modern automated systems used in garment industry, products from Gemini CAD Systems, upgraded modules, increased productivity in sewing factories, modularities, application and efficiency of Gemini Patterm Editor X9.

Respublika to’qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatida yuqori va barqaror o’sish sur’atlarini ta’minlash, to’g’ridan-to’g’ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va o’zlashtirish, raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish va eksport qilish, modernizatsiya qilishning strategik muhim ahamiyatga ega bo’lgan loyihalarini amalga oshirish hisobiga yuqori texnologiyali yangi ish o’rinlarini yaratish, korxonalarni texnik va texnologik yangilash, ilg’or “klaster modeli”ni joriy etishga qaratilgan tarkibiy qayta tashkil etishni yanada chuqurlashtirish bo’yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.[1]


Bugungi kunda tikuvchilik sohasida turli hil zamonaviy ALT dasturlari mavjud. Bunday muhandislik dasturlari korxonada ish unumdorligini bir necha barobarga oshirish, hatolarsiz ishlash, murakkab turdagi kiyimlarni ishlab chiqarish, konstruktorlik hujjatlarini oson yuritish imkonini beradi.

Gemini Cad Technologies Alt - Kiyimlarni avtomatlashtirilgan loyihalashning multifunktsional tizimi “Gemini CAD”- bu “Gemini CAD Systems” kompaniyasining kiyim, poyafzal, bosh kiyim, sumka, charm-attorlik, mebel qoplamalarini loyihalash soxasidagi eng yangi ishlanmasidir. Avtomatlashtirilgan loyihalashning yangi multifunktsional tizimi bo’lgan- “Gemini


CAD Systems” O’zbekistonda qadri-qimmati bo’yicha tezda munosib baholandi va undan foydalanuvchilar miqdori muntazam ortib bormoqda.[2]

Gemini Pattern Editor modulida baza asos to’rini quyidagi 3 xil usulda qurish mumkin:

1. Pattetn Editor “Рисования” bo’limida to’g’ridan – to’g’ri chizish orqali;
2. Tayyor andozalarni “Photodigitizer”da kompyuterda kiritish orqali;
3. “Блок Построения БК” moduli yordamida konstruksiya qurish orqali;



1-rasm. **O’lcham stardart ma’lumotlar bazasi**




2-rasm. **Pattern Editor “Блок построения БК” ichchi oynasi**

“Блок Построение БК” modulida buyum konstruksiyasini oson va tez usulda qurish mumkin. “Gemini Pattern Editor” muhandislik dasturida har qanday turdagi kiyim va buyum, charm – attorlik, mebel qoplamalarini har qanday metodika yordamida loyihalash mumkin. Qolaversa, yangilanib borayotgan Gemini CAD tizimidagi yangi “Gemini Pattern Designer X19”, “Gemini Nest Expert X19” dasturlarida plastic, metall va yog’och buyum turlarini loyihalash imkoniyatini bermoqda. “Gemini CAD Systems” kompaniyasi birinchilardan bo’lib, geometrik shakllarni tekshirish, erkin holatda aylantirish, avtomatik ravishda detallarni tekshirish

imkoniyatini taqdim va etdi bu boradagi tadqiqot ishlarini davom ettirib, yangilab bormoqda. mycad.cloud platformasida Gemini CAD tizimi foydalanuvchilarini bir – birlari bilan hamkorlikda ishlashlari imkoniyati, o’z intelektual mulklarini himoya qilish, online rejimda ishlash imkoniyatlari mavjud. [3,4]

Pattern Editor modulida agar konstruksiya qurish jarayonida jarayonida o’lchamlar jadvali yaratilib kiritilsa, o’lchamlar orasida farqlari aniqlansa barcha razmerlar, rostlar va to’lalik guruhlari bo’yicha gradatsiya jarayoni avtomatik ravishda bajariladi. Pattern Editor ma’lumotlar bazasida Avstraliya, Fransiya, Germaniya, Italiya, Yaponiya, Buyuk Britaniya va AQSH davlatlarning o’lchamlar standartlari kiritilgan. Bu narsa foydalanuvchining qimmatli vaqtini tejaydi. [5]

- *Andozalarni modellashtirish*




3-rasm. **Pattern Editor ishchi oynasi**

Pattern Editor modulida tikuv buyumlari mahsulotlari, poyafzal buyumlari, boish kiyimlarni loyihalash, mebel qoplamalarini loyihalash va modellashtirish ishlarini bajarish mumkin. Modellashtirish uchun foydalanuvchiga juda qulay imkoniyatlar mavjud. Vitochkalar bilan ishlash, tahlamalar, parallel va konussimon kengaytirish amallari, detallarga qirqim berish, kichraytirish, kengaytirish, birlashtirish, nusxa olish, o’chirish, aylantirish, aks simmetrik detall hosil qilish ishlarini grafik muharrir orqali osonlik bilan amalga oshirish mumkin. Foydalanuvchi ish davomida detallarni o’ziga mos ravishda masshtabda ishlash imkoniyati, bundan tashqari burchkalar, nuqtalar, andoza konsturlarini, uzunliklarni o’zgartirish imkoniyatlari mavjud. Foydalanuvchi kosntruksiya qurish davomida yangi chiziqlar va turli hil proeksiyalarni katalogini yaratishi mumkin. [6]

- *Gradatsiyalash*

Pattern Editor modulida andozalarni razmerlar, rostlar va to’lalik guruhlari bo’yicha gradatsiyalash ikki hil usulda amalga oshirish mumkin: nuqtalar yodamida va avtomatik ravishda. Modulda gradatsiyalash jarayoni foydalanvuvchi uchun juda qulaydir. Avtomatik gradatsiya amalga oshirish uchun o’lchamlar jadvalini yaratish va o’lchamlar orasida o’sib boorish farqlarini kiritish zarurdir. Ish jarayonida oldingi gradatsiyalash sxemalarini yangi model uchun qo’llash


mumkin. Dasturda barcha detallar yoki nuqtalarda gradatsiyalashni zudlik bilan bekor qilish, asosiy andoza konturlarini qolgan razmerlarga ta’sir etmagan holda o’zgartirish, istalgan burchak ostida gradatsiyalash imkoniyati mavjud. Pattern Editor modulida gradatsiyalash jarayoni tez, yuqori aniqlikda va samarali bajariladi. Modelning murakkabligiga qarab to’liq gradatsiyalash vaqti 10-20 minutni tashkil etadi.



4 –rasm. **Pattern Editor modulida gradatsiyalash jarayoni**

- *Andozalarni tekshirish va qirqimlarni o’lchash*


Pattern Editor modulida foydalanuvchiga andozlarni tekshirib ko’rish va detallarni, qirqimlarni o’lchash uchun buyruqlar mavjud. Bunday buyruqlarga: detallarni yoyish, detallarni qirqimlar bo’yicha birlashtirish, kertiklarni avtomatik ko’chirish, detallarni bir – biriga bog’lash, to’g’ri va qiyshiq chiziqlarni o’lchash, burchaklarni va yuzalarni hisoblashlar kiradi.



5-rasm. **Detallarni tekshirish va o’lchash jarayoni.**

- *Detallarni avtomatik tekshirish*


Gemini ALTda detallarni to’shamaga joylashtirishdan oldin andozalar komplektini avtomatik tekshirish imkoniyati mavjud. Tayyor andozalar komplektini avtomatik tekshirish foydalanuvchi ishtirokisiz bajariladi. Andoza detallarini tekshirish jarayonida dastur texnik hatoliklarni aniqlaydi va uni bartaraf etish uchun ko’rsatmalar beradi.



6-rasm. **Andoza detallarini avtomatik tekshirish.**

- *Texnik hujjatlarni yaratish*

Gemini ALT tizimida texnik hujjatlarni joylashtirish va o’zgartirish imkoniyati mavjud. O’lchamlar jadvallarini avtomatik yaratish, o’zgartirish, model texnik kartasi va andozalar spetsifikatsiyasi yaratish, konfeksion karta tuzish, model eskizini yuklash, modellar to’g’risida batafsil hisobotlari tayyorlash kabi funksiyalar ish jarayoni aniqlik bilan nazorat qilish imkonini beradi.



7-rasm. **Texnik hujjatlarni yaratish.**

Hulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda Gemini ALT tizimi jadal suratlar bilan o’sib, rivojlanib bormoqda. Hozirda mycad.cloud platformasida modullarning yangilanib borishi ham shundan dalolatdir. Shu bilan birga O’zbekistonda davlatida Gemini ALT dasturlaridan foydalanish kundan kunga ko’payib bormoqda. Bu albatta korxonalarizmizda shu kabi samaradorligi yuqori bo’lgan ALT tizimlarni qollash qo’llash yurtimizda tikuvchilik sanoatini rivojlanishida muhim rol o’ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. “To’qimachilik va tikuv trikotaj sanoatini isloh qilishni yanada chuqurlashtirish va uning eksport salohiyatini kengaytirish chora-tadbirlari to’g’risida” O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 2019 yil 12 fevral.
2. F.U.Nigmatova, M.Sh.Shomansurova “Tikuv buyumlarini loyihalashning avtomatlashtirilgan sistemasi”. Dasrlik. Toshkent 2017 yi.
3. https://mycad.geminicad.com/cad-cam-products.html
4. https://cdn.geminicad.com/wp-content/uploads
5. https://www.geminicad.com
6. https://www.perevalov.ru/sapr/software/modelling/

КОМПРЕССИОН ХУСУСИЯТЛИ СПОРТ КИЙИМЛАРИГА ТАЛАБЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.Б.Мақсудов, Ф.У.Нигматова, Р.С.Хожиматов, Ш.Саидвалиева, М.Назарова
Наманган муҳандислик-технология институти

Ушбу мақолада баскетбол, валейбол, гандбол Федерациясиларига тегишли спортчилар ва мураббийлар, ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва маданияти унверситетининг турли хил спорт турлари бўйича талабалари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари келтирилди. Сўровнома натижасида спортиларни нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда компрессион буюмларининг турлари ва сифат кўрсаткичлари қандай бўлиш кераклиги аниқланган.
Калит сўз:*Компрессион буюмлар,аэродинамик хусусияти, чўзилувчанлик, гигиеник хусусияти.*

В статье приведены результаты анкетного опроса среди спортсменов и тренеров спортивных Федераций по баскетболу, гандболу и волейболу, а также среди студентов Государственного института физической культуры Узбекистана, специализирующихся по различным видам спорта. В результате опроса определены виды и показатели качества компрессионных изделий, предпочтительные с точки зрения спортсменов.
Ключевые слова*: компрессионное изделие, материалов, аэродинамических свойств, растяжимость, гигиенических свойств*

The article presents the results of a questionnaire survey among athletes and coaches of sports federations in basketball, handball and volleyball, as well as among students of the State Institute of Physical Culture of Uzbekistan, specializing in various sports. As a result of the survey, the types and indicators of the quality of compression products, preferred from the point of view of the athletes, were determined.
Keywords: *Compression distance, materials, aerodynamic properties, tensile properties, hygienic properties*

В последнее время правительством Узбекистана особое значение придается развитию спорта. Среди молодежи постоянно растет интерес ко всем видам спорта. Одним из слагающих достижения успеха и высоких спортивных результатов – обеспечение спортсменов специальными видами одежды, к которым относятся компрессионные изделия.

Изделия с компрессионным эффектом составляют основную часть гардероба спортсменов по многим профессиональным видам спорта (велоспорт, гимнастика, футбол, плавание, зимние виды спорта и др.), так и людей, занимающихся общеоздоровительной физической культурой (шейпинг, аэробика). Давление одежды на тело спортсмена, возникающее из-за упругих свойств высокоэластичных материалов, способствует уменьшению степени травматизма и поддержанию необходимого тонуса мышц спортсмена. В некоторых зимних видах спорта, связанных с высокими скоростями (конькобежный, санный, прыжки с трамплина, горный велосипед и др.) костюмы для повышения их аэродинамических свойств изготовляют в виде облегающих тело комбинезонов. Плотное облегание фигуры повышает «обтекаемость» одежды, являющаяся важным фактором для скоростных видов спорта. Высокая растяжимость этих материалов обеспечивает большую свободу движений спортсмену, а подвижность - плотное облегание фигуре, которое кроме прочего, исключает появление морщин и складок, приводящих к потертостям и ухудшению эстетического вида.

С целью формирования требований к спортивной компрессионной одежде, получения более полной и развернутой информации о предпочтениях потребителей-спортсменов при выборе компрессионных изделий, проведены маркетинговые исследования. Опрос проведен среди спортсменов и тренеров спортивных Федераций по баскетболу, гандболу и волейболу, а также среди студентов Государственного института физической культуры Узбекистана, специализирующихся по различным видам спорта. Основным инструментом, используемым в исследовании, являлась анкета, представляющая собой набор вопросов. Результаты анкетирования легли в основу проектирования компрессионной одежды для спортсменов.

Объем выборки составил 120 человек. Из них 59% мужчины и 41% женщины. Это спортсмены в возрасте от 15 до 22 лет, занимающиеся игровыми видами спорта в течении 5-7 лет, и тренерский состав в возрасте от 25 до 30 лет, занимающиеся спортом в течении от 8 до15лет. Статистическая обработка данных анкетирования проводилась по специально разработанной программе «MARKETING» [1]. Результаты опроса показаны на рис.1.

Из опрошенных студентов и спортсменов 26,6% занимаются футболом, 24,2% волейболом, 20,8% гандболом, 11,4% баскетболом, 4,2% - теннисом, 12,5 другими видами спорта. Практически все опрошенные (95%) знают и пользуются компрессионными изделиями. Наиболее популярным видом является компрессионные лосины и шорты (41,72%).

Практически все опрошенные (95%) знают о существовании компрессионных изделий. Наиболее распространенным изделием среди спортсменов являются компрессионные лосины и шорты (41,72%), на втором месте компрессионный наколенник (29,13%), затем компрессионные рукава (15,23%), спортивная компрессионная гетры (11,25%). При выборе компрессионных изделий юные спортсмены следуют рекомендациям врача и тренера, но при этом обращают внимание, прежде всего, на внешний вид. Страна-производитель не имеет значения для спортсмена.

Среди респондентов проведен опрос о наиболее предпочтительных материалах, используемых для изготовления компрессионных изделий. Большинство опрошенных предпочли компрессионные изделия из трикотажных полотен (70,8%), состав которых чисто хлопчатобумажный или смешанный с хлопчатобумажным.




Рис.1. Распределение предпочтений спортсменов по виду компрессионных изделий

Опрос показал, что компрессионное изделие может использоваться для различных целей (рис.2): для поддержки опорно-двигательного аппарата (31,9%), повышения аэродинамических свойств тела при занятиях спортом (40,1%), разогрева мышц и их фиксации при занятиях физической культурой и спортом (23,7%) и коррекции осанки (4%). Однако следует отметить, что для повышения аэродинамических свойств тела при занятиях спортом компрессионная одежда (велоспорт, лыжный костюм, конькобежный и др.) должна плотно прилегать к телу и закрывать максимально возможную часть поверхности тело спортсмена, а фактура материала должна быть гладкой без шероховатостей, чтобы коэффициент сопротивления костюма воде и направлению воздуха был минимальным.




Рис.2. Распределение предпочтений спортсменов по назначению компрессионного изделия

Для потребителей главными показателями при выборе компрессионных изделий являются удобность в носке, воздухопроницаемость, влагоемкость, гипоаллергенность, сохранение формы после определенного периода эксплуатации и стирок. Эти характеристики обеспечиваются одноименными показателями качества высокоэластичных

материалов. Следовательно, для изготовления компрессионных изделий спортивного назначения необходимо использовать полотна с высокими гигиеническими и физико-механическими свойствами.

Для эффективного использования эластомерных материалов с компрессионным эффектом для спортивной одежды требуется знание их упругих и релаксационных характеристик, установления соотношений между давлением, размерами тела и жесткостью материала в условиях определенного диапазона растяжения. Упругие характеристики материалов позволяют определить величину давления, создаваемого компрессионным изделием при его соответствующем растяжении. Решение такой задачи с одной стороны позволит создавать специальные виды спортивной одежды, а с другой - расширить их ассортимент, отвечающий требованиям лучших мировых образцов и стандартов.

Выводы. С целью изучения наиболее значимых свойств спортивной компрессионной одежды, проведено маркетинговое исследование среди спортсменов и тренеров спортивных Федераций по баскетболу, гандболу и волейболу, а также среди студентов Государственного института физической культуры Узбекистана, специализирующихся по различным видам спорта. По итогам проведенного исследования определены следующие показатели качества, на которые следует обратить особое внимание при проектировании компрессионной спортивной одежды: плотное прилегание изделия к телу спортсмена, степень компрессии изделия и поддержка опорно-двигательного аппарата, гигиенические свойства, сохранение эластических свойств при длительной эксплуатации.

Список использованной литературы

1. Сиддиков И., Венгрженовский П, Нигматова Ф.У, Абдукаримова М.А. Автоматизированная система маркетинговых исследований ассортимента одежды //.Ўз Р. Интеллектуал мулк агентлиги. Гувохнома №DGU 00444 09.08.2001.

PATTERN НАЗАРИЯСИГА МАТЕМАТИК ЁНДАШУВ

А.А.Абдурахмонов
Наманган муҳандислик-технология институти

Мақолада Pattern назарияси тушунчаси келтирилган. Эгри чизиқ билан чегараланган ёпиқ соҳани бошқа бир эгри чизиқ билан чегараланган ёпиқ соҳани математик ўлчашлар орқали солиштириш ва ўхшашлигини аниқлаш ишлаб чиқилган. Бу усул асосан соҳани тўғри тўртбурчак билан ички ва ташқи томондан тўлдириш орқали ҳисобланади ва ўзаро нисбатлари солиштирилади.

Таянч сўзлар: *Pattern (патипа), таниб олиш, аттрибутлар майдони, кластерлаштириш, метрик макон.*

В статье описывается понятие теории паттернов. Внутренняя область, которая ограничена криволинейной границей, сравнивается с замкнутой криволинейной сферой с различными криволинейными математическими измерениями и ее идентификацией. Этот метод в основном рассчитывается путем заполнения сферы прямоугольником внутри и снаружи и сравнения взаимодействий между ними.

Ключевые слова: *Pattern (шаблон), расспознавания, поле атрибутов, кластер, метрическое пространство.*

The article describes the concept of Pattern theory. The indoor area, which is limited to the curvilinear boundary, is compared to a closed curved sphere with a different curvilinear mathematical measurements and its identification. This method is mainly calculated by filling the sphere with the rectangle inside and outside and comparing the interactions between them.

Key Words: *Pattern, recognition, attribute field, cluster, metric space.*

Информацион технологиялар асосида объектни таниб олиш масалаларини автоматлаштирилган ечимини топиш зарурияти ҳозирги кунда ахборот технологиялари ривожининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Ҳусусан, объект тасвири асосида идентификациялайдиган интеллектуал тизимларни янада такомиллаштириш устида дунёда фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Pattern recognition - турли табиат объектларини таснифлаш усуллари ва алгоритмлари. Ҳар бир инсон ҳар дақиқада эътироф этиш муаммосига дуч келади. Мисол учун, биз одамлар ва объектларни таниймиз, ҳарфлар ва рақамларни таниймиз, нутқни тушунамиз, хавфли вазиятларни турли муваффақият даражаларида аниқлаймиз. Доимо, тирик организмларни таниб олиш муаммосини ҳал қилиш учун ҳаётий фаолият жараёнида таниб олиш вазиятига дуч келинади. Ҳар қандай соғлом биологик шахс тасвирни таниб олиш учун ривожланган қобилиятга эга.


Мисол учун, овозни аниқлаш муаммоларини ҳал қилиш тирик организмнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирининг муҳим ҳусусияти ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликларда турли маъсулиятли вазифалар, ҳисоблаш воситаларидан тобора кўпроқ фойдаланиб ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги кунда компьютер технологияларини ишлаб чиқиш билан бу муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун имкониятлар пайдо бўлди.

Интеллектуал тизимларни ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим йўналишларини (яъни анъанавий равишда интеллектуал соҳага боғланган муаммоларни ҳал қилиш тизимларини) аниқлашнинг қуйидаги усулларини кўриш мумкин:
• белгиларни аниқлаш (ёзма ва қўлда ёзилган матнлар, банк чеклари ва банкноталар ва бошқалар);
• турли частота диапазонларида (оптик, инфрақизил, радио частотаси, товуш) ва саҳнани таҳлил қилишда олинган тасвирларни аниқлаш;
• нутқни аниқлаш;
• тиббий диагностика;
• хавфсизлик тизимлари;
• Маълумотлар базаларида ва маълумотларда таснифлаш, кластерлаштириш ва қидириш (шу жумладан Интернет-ресурслар).

Тасвирни танитувчи рақамлар, ҳарфлар ва ҳоказоларни амалга оширадиган техник тизим мисолида намунани аниқлаш назарияси асосий вазифаларини кўриб чиқамиз. Бундай тизим ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқилган ва ҳарф белгиларини таниб олиш учун узоқ вақт ишлатилган. Таниб олиш тизимининг киритилишида қоғоз тасма устида x белгиси ва тан олиниши керак бўлган баъзи белгилар қўлланган. Тан олинадиган нарсаларга тасвирлар ("белги") дейилади.

Ҳар бир синф маълум бир белги (ҳарф, рақам, ва ҳоказо) га мос келадиган, барча синфларнинг тўпламидан $\Omega = \{\acute{\omega}_{1,\ldots,}\ \acute{\omega}_M\}$га киритилади ва синфларга ажратилган деб ҳисобланади.

Энг қулай математик тавсифлар тасвирларнинг вектор тавсифи ҳисобланади. Ҳар бир расм x вектор $x = (x1,\ x2,\ \ldots)^T$ билан боғлиқ. Бу тасвирнинг x_i функцияси x вектор майдонининг элементидир. (1-расм)



